Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Коммунист(большевик)лар партияси Марказий Комитети, Тошкент область, шаҳаркомитетлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг органи

№ 185 (6612) 15 сентябрь 1946 йил ЯКШАНБА. Баҳоси 20 тийин

БУГУНГИ СОНДА:

Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхози пахта йиғим-теримини қандай ташкил қилди (1-нчи бет).

СССР—Америка Қўшма Штатлари шахмат мусобақаси бошланди (1-нчи бет).

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД. — Жиноий ташкилотлар тўғрисидаги масала юзасидан СССР Бош қораловчиси ўртоқ Р. А. Руденконинг охирги сўзи (2-нчи бет).

Н. Қозиев, С. Жўраев. — Бойсунда ем-хашак тайёрлаш хавф остида (2-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида (3-нчи ва 4-нчи бетлар).

ЭАМ Марказий Комитетининг тўрт давлат халқлари ва ҳукуматларига мурожаати (4-нчи бет).

Гоминдан учувчилари озод қилинган районларни бомбардимон қилдилар (4-нчи бет).

ҚИШЛОҚДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Большевиклар партияси қишлоқда олиб бориладиган сиёсий-агитация ишларига ҳар доим зўр эътибор бериб келмоқда. Агитация партияни кенг меҳнаткашлар оммаси блан боғловчи энг қудратли воситалардан биридир. Большевистик агитация воситаси блан партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва йўл-йўриқлари халққа етказилади, мамлакатимиз олдида турган сиёсий-хўжалик вазифаларни бажаришга меҳнаткашлар сафарбар этилади.

Ҳозирги вақтда агитациямиз халқни янги сталинча бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш ишига сафарбар этмоғи керак. Агитация ғоявий жиҳатдан юксак, меҳнаткашлар яхши тушуниб оладиган даражада равшан бўлмоғи лозим. Агитация санъати Ленин-Сталин партиясининг ғояларини, большевиклар партияси ва совет давлатининг сиёсатини кенг меҳнаткашлар оммасининг тушунчасига муносиб равишда сингдириш, бутун совет халқи олдида турган янги улуғвор вазифаларни содда ҳамда ишонарли қилиб тушунтириб беришдан иборат.

Республикамизнинг колхозчи деҳқонлари сталинча янги бешйилликнинг биринчи йили ҳосилини—далаларимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга киришган ҳозирги вақтда қишлоқда оммавий-сиёсий агитация ишларини ҳар қачонгидан кўра кучайтириш зарур. Район партия комитетлари, колхоз бошланғич партия ташкилотлари, агитпунктлар ва барча агитаторлар колхозчилар оммасига пахта ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашда металл, кўмир ва ғалла блан бир қаторда аҳамиятга эга бўлган энг зарур хомашё эканлигини, халқнинг фаровонлигини оширишнинг асосий манбаъи ва республикамиз маданиятини юксалтиришнинг моддий негизи эканлигини яхши тушунтириб беришлари керак. Большевистик агитациямиз колхозчилар оммасини пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва 1946 йилда ваъда қилинган 1 миллион 160 минг тонна пахтани мамлакатимизга етказиб бериш ишига сафарбар этсин ва руҳлантирсин.

Партия ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳозирги вақтда биринчи галда агитпункт ва агитаторларнинг иши блан шуғулланишлари лозим. Бутун агитация оммавий-сиёсий ишлар далада, колхозчилар дам оладиган шийпонларда, хирмон ва агитпунктларда олиб борилиши керак. Жонли, таъсирли большевистик сўз ҳамма жойда жаранглаб турсин. Агитпункт иши тўғри йўлга қўйилгандагина, колхозчилар ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишда муваффақият қозониш мумкин.

Аммо, баъзи жойларда сиёсий агитация ишларига етарли эътибор берилмаётир. Кўпгина район партия комитетлари қишлоқларда юзларча агитаторлар борлигини кўрсатадилар. Аммо, ана шу агитаторларнинг қандай ишлаётганликлари, колхозчиларни янги вазифаларни бажаришга қандай сафарбар этаётганликларини билмайдилар. Масалан: Тошкент область, Орджоникидзе район партия комитетининг раҳбар ходимлари (райком секретари ўртоқ Исамуҳамедов) масалага бирёқлама қараб, яъни хўжалик ишларига боғлиқ бўлган масалалар блангина шуғулланиб, партиянинг амалий иш фаолиятида асосий ўрин тутган большевистик пропаганда ва агитация блан чинакамига шуғулланмаётирлар. Шу сабабли, райондаги колхозларда СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловлар вақтида ташкил этилган агитпунктлар кўп жойларда ёпилиб қолган, агитаторлар тарқалиб кетган.

ЎзК(б)П Мирзачўл район комитети агитаторларни якка-якка тартибда пухта танлаш ўрнига, райондаги хизматчилар ва қишлоқ ўқитувчиларидан 200 тачасини агитатор деб эълон қилган. Аммо кўп колхозчилар шу вақтгача бу агитаторларни кўрмаганлар ва уларнинг сўзларини эшитмаганлар. ЎзК(б)П район комитетининг секретари Исмоилов, райкомнинг агитация-пропаганда бўлим мудири Нуримбетов ўртоқлар қишлоқларда тез-тез бўладилару, лекин, колхозларнинг хўжалик ишлари блан танишиб қайта берадилар, халос.

Колхозчиларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий тушунчаси ва маданиятини ошириш, шу блан бирга, жойларда партиявий-сиёсий ташкилий ишларни, пропаганда-агитация ишларини кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш—партия раҳбар ходимининг жонажон ишидир.

Етарли тайёрлиги бўлган ва омма орасида юксак ғоявий-сиёсий агитация олиб бора оладиган ўртоқларни агитаторлик ишига тортиш керак. Партия ташкилотлари илғор колхозчилар, қишлоқ ўқитувчилари, коммунист ҳамда комсомоллардан бу ишда кенг фойдаланмоқлари айниқса муҳим.

Агитпунктлар колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг маркази бўлмоғи керак. Ҳарбир агитпункт конкрет планга, колхозчилар ўртасида ўтказиладиган лекция ва суҳбатларнинг тематик планига эга бўлсин. План тузганда колхозчиларни қизиқтирадиган масалаларни танламоғи керак. Бу масалалар, биринчи навбатда янги бешйилликда социалистик қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, Ўзбекистонда пахтачиликни юксалтиришнинг сталинча 8 йиллик программаси ва пахтакор колхозларнинг вазифалари, колхозчилар моддий ва маданий фаровонлигининг ўсиши, механизациянинг ривожланиши, ирригация ва мелиорация ишлари соҳасидаги вазифаларимиз ва бошқа шу сингари ҳамда халқаро аҳволга доир мавзуларда суҳбатлар уюштиришдан иборат.

Қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юбориш учун агитациянинг барча қурол ҳамда воситаларидан тўла фойдаланиш зарур. Газеталар, радио, кино ва театрлар республикамиз меҳнаткашларини пахтачиликни юксалтириш йўлида зиммамизга юкланган вазифаларни бажариш учун курашга сафарбар этишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Колхозларда социалистик мусобақани уюштириш ва олинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан муттасил назорат қилиб туриш — район партия комитетлари, агитпунктлар ва барча агитаторларнинг энг муҳим вазифасидир. Шуни унутмаслик кераки, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий агитация ишларини яхши йўлга қўймай туриб социалистик мусобақани ривожлантириш ва ундан кутилган натижаларга эришиш мумкин эмас. Колхоз бошланғич партия ташкилоти ва ҳарбир агитатор оддий колхозчиларга, ўрта даражада ишловчи колхозчиларга стахановчилар, бешмингчилар даражасига етиб олишлари учун ёрдам беришлари лозим. Илғор бригадалар, звенолар ва колхозчиларнинг тажрибалари бошқа колхозчилар орасига кенг ёйилсин. Меҳнат соҳасида янги зафарларга эришаётган моҳир теримчиларнинг ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Пахта йиғим-терими даврида қишлоқларда оммавий-сиёсий ишларни кенг миқёсда кучайтирайлик. Большевистик агитациянинг ҳамма шакл ҳамда воситаларидан фойдаланиб колхозчилар оммасини, республикамиз меҳнаткашларини мўл пахта ҳосилини тўла-тўкис йиғиб-териб олишга сафарбар этайлик.

Сирдарё районидаги „Ҳақиқат" колхози пахта йиғим-теримини қандай ташкил қилди

Йиғим-терим вақтида оммавий-сиёсий ишлар

Теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириб юбориш бешмингчи ва ундан кўп пахта терувчилар сонини тобора ошириб, уларни ҳар тарафлама қизиқтириш, колхоз коммунистлари ва комсомолларининг бригадаларга бириктирилган агитаторларнинг асосий вазифасидир. Бошланғич партия ва комсомол ташкилотининг пахта йиғим-терим даври учун тузилган иш плани шуларни ўз ичига олади.

Колхоз партия ташкилоти ҳозирнинг ўзидаёқ мавсумда беш минг килограмм ва ундан кўп пахта териш мажбуриятини олганлар сонини салкам 70 кишига етказишга муваффақ бўлди. Булар ўз устларига мажбурият олиш блан кифояланмай, уни амалда бажармоқдалар. Масалан, ўртоқ Йўлдошев пахта теримининг дастлабки 8 кунида 1.614 килограмм отбор ва биринчи сорт пахта териб берди. У сентябрь ойининг иккинчи ярми ва октябрь ойи ичида ҳар куни 400 килограммдан пахта териш мажбуриятини ўз устига олди.

ВКП(б) аъзоси ўртоқ Мамарапиев бошлиқ бригада аъзолари давлат пахта планини 10 октябрьда бажариш учун курашмоқда. Унинг ҳарбир теримчиси кунига ўрта ҳисоб блан 82 килограммдан пахта тераётир.

Колхозимизда ҳар ўн кунда пахта териш ва топшириш юзасидан берилган нормани бажариб, колхоз бўйича энг юқори иш унумини эгаллаган бригадаларга бериш учун колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилотининг кўчма қизил байроғи таъсис этилди.

Ҳозир бригадаларда агитаторлар ишламоқда. Улар кундалик газеталарни ўқиб, тушунтириб бериш, илғор теримчиларни тарғиб қилиш блан бирга, ўзларининг пахта теришдаги яхши иш намуналари блан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Ўтган йил ҳар гектаридан 97 центнер пахта берган, бу йил 110 центнер учун курашаётган ВКП(б) аъзоси ўртоқ Назира Йўлдошева 5-нчи бригадада агитаторлик қилади. Шу блан бирга у мавсумда 10 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олиб, ҳозир кунлик нормасини 2—2.5 баравар бажармоқда.

Колхоздаги 12 та пахта бригадасининг ҳаммасида ҳафтада бир марта жанговар варақа, колхозда эса, ойида икки марта «Пахта учун кураш» номли деворий газета чиқиб туради.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти далада партия-оммавий-сиёсий ишларини кундан-кун кучайтириб, колхозимизнинг пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиб, илғорликни қўлда сақлаб қолиш учун курашажак.

Маматкарим БОБОЖОНОВ.

Сирдарё район Серноворосcийск қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг бошланғич партия ташкилоти секретари.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ 10 ОКТЯБРЬДА БАЖАРАМИЗ

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарори колхозчиларимизнинг умумий мажлисида ишлаб чиқилгандан кейин, бизнинг бригада аъзолари ўртасида ҳам яна қайта-қайта ўқиб чиқилди. Мен бригада бошлиғи бўлиш блан бирга, бригадамда агитаторлик ҳам қиламан. Колхозчиларга бу қарорни тушунтириб берганимдан кейин, теримга ажратилган 13 кишидан 10 киши мавсумда беш минг килограммдан 15 минг килограммгача пахта териб бериш мажбуриятини олди. Теримчиларни кўп пахта теришга қизиқтирган нарса қарорда кўрсатилишича — стахановчи теримчилар меҳнатининг лойиқ даражада баҳоланиши эди.

Бизнинг бригадада меҳнат интизоми мустаҳкам йўлга қўйилган. Колхозчиларимиз бир ишга қаттиқ киришиб, ўз ваъдалари устидан чиқиш учун астойдил курашадилар. Теримчилар терим юзасидан олган мажбуриятни бажаришда ҳам яхши иш намуналарини кўрсата бошладилар. Мавсумда 15 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олган Буражаб Кенжаева, Карим Эшонкулов, Умматқул Кенжаев ўртоқлар теримнинг дастлабки кунларида ҳар куни 30 килограмм ўрнига 155—173 килограммдан пахта териб, кунлик нормаларини 5—6 баравар ошириб бажараётирлар. Бригададаги 13 теримчи ҳар куни 30 килограмм ўрнига ўртача 82 килограммдан пахта термоқда.

Бизнинг бригада 33 гектар ерининг ҳар гектаридан 22 центнер пахта бериши керак. Лекин ҳосил кўп. Гектаридан энг камида 35 центнер пахта беришини мўлжаллаймиз. Бригада ҳозир 22 центнер юзасидан кунига йиллик планнинг икки ярим проценти миқдорида пахта топширмоқда. Бригададаги теримчилар пахта ҳосили кўп эканлигини назарга олиб, йиллик планни 10 октябрьда тўла бажариш юзасидан бригаданинг терим планини тузиб чиқишни талаб қилдилар. Бу планга мувофиқ, бундан буён бригадада ҳар куни йиллик планнинг 3—3,5 проценти миқдорида пахта териш керак бўлади.

Борган сари пахта кўп очилади. Шу блан бирга, бригадада теримчилар сони 15 тага етказилади. Бригада давлат планига мувофиқ, бу йил 62 тонна пахта топшириши керак. Бригада тузган планга мувофиқ, пахта терим суръатини жиддий равишда кўтариш керак бўлади. Бу планга мувофиқ биз 10 сентябрьдан 20 сентябрьгача ҳарбир теримчи учун ўртача 100 килограммдан, 20 сентябрьдан 1 октябрьгача 150 килограммдан, 1 октябрьдан 10 октябрьгача 120 килограммдан пахта териб бериш мажбуриятини олдик. Теримчиларимиз, бу мажбуриятларини албатта бажарадилар. Ҳозир кунда 173 килограммгача пахта тераётган стахановчиларимиз пахта текис очилганда ҳар куни 400 килограммга етказиб терадилар. Ҳозир 100 килограммдан ошириб пахта тераётганлар бригадада 10 та ҳисобланади.

Шундай қилиб, бизнинг бригада 10 октябрьда йиллик пахта тайёрлаш планини бажаради ва бунинг учун стахановчи теримчиларнинг яхши тажрибаларидан кенг равишда фойдаланади.

Йўлдош МАМАРАПИЕВ.

Сирдарё район, Серноворосcийск қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг бригадири.

Мавсумда 15 минг килограмм пахта тераман

Колхозда пахта йиғим-теримининг муваффақиятли ўтиши теримчиларга боғлиқ. Бу—ҳарбир колхоздаги теримчининг астойдил, фидокорона ишлаб, мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб давлатга топширишда катта масъулият сезишини талаб этади.

Бизнинг колхозда бу йил пахта ҳосили ҳар йилга қараганда анча мўл бўлди. Даладаги ҳосилни тахминлаб қараганимизда, ҳарбир теримчининг ўтган йилга қараганда кўпроқ ишлаши ўз-ўзидан маълум бўлди.

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорида бу йил теримчилар учун анча яхши шароитлар туғдириб берилиши кўрсатилган. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан, бу йил мен мавсумда 15 минг килограмм пахта териб бериш мажбуриятини ўз устимга олдим. Ҳозир мен яхши очилмаган ерларда 150—160 килограммдан пахта тераётирман. Ҳозиргача 2 минг килограммга яқин пахта тердим. Бундан буён пахта кўплаб очилади. Мен ўз тажрибамни кундан-кун орттира бориб, ҳар куни ўрта ҳисобда 400 килограммдан пахта теришга тайёргарлик кўраётирман.

Лекин шуни айтиш кераки, бир колхозда кўп пахта терувчилар битта-иккита бўлгани блан иш битмайди. Кўп пахта терувчилар сонини ошириш керак бўлади. Шу мақсадда мен ўзим 15 минг килограмм пахта териш блан бирга, яна энг ками ўн кишини ўзим блан тенглаштириш мажбуриятини олдим.

Ҳозир мен мусобақага чақирган теримчилардан Шарофат Тожибоева, Умматқул Кенжаев, Каримберди Эшонқулов кабилар мен блан баравар пахта териб, 5—6 норма бажараётирлар.

Мамат ЙЎЛДОШЕВ.

Сирдарё район, Серноворосcийск қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг теримчиси.

Мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб оламиз

Бизнинг колхоз бу йил 300 гектар ерга чигит экқан. Давлат блан тузилган шартномага мувофиқ гектаридан 19 центнер пахта беришимиз керак. Лекин колхозчиларимиз гектаридан 25 центнер ҳосил олиш учун астойдил курашиб, мўл ҳосилни қўлга киритдилар.

Биз бу йил чигитни ўтган йилга қараганда 16 кун илгари—12 апрельда экиб бўлдик. Экиш олдидан ерлар юқори сифатли ишланди. Ғўзаларимизни трактор ва от культиватори блан 7 марта культивация қилдик, 5 марта чуқур кетмон чопиғи ўтказдик. Қатор ораларини ишлаш вақтида ғўзага ўтган йилга қараганда, икки баравар кўп маъдан ўғит солдик.

Пахта теримининг ҳозирги—дастлабки кунлари мўл ҳосил учун йил бўйи қилинган фидокорона меҳнатнинг яхши самаралар блан якунланишидан дарак бермоқда. Ғўза тупларида кўсак кўп бўлиши блан бирга, бунинг салмоғи ҳам анча ортиқдир. Ҳарбир кўсакдаги пахта ҳозир 6 грамм келмоқда. Ҳарбир чаноқдаги чигит эса, 8—9 та ҳисобланади.

Мана булар кўрсатадики, биз бу йил ўз устимизга олган мажбуриятни тўла ва ошириб бажара оламиз. Шу мақсадда колхозчиларнинг умумий мажлисини чақириб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг «1946 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисидаги» қарорини муҳокама қилдик. Мажлисда колхозчилар пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун ўз устларига янги вазифалар олиб, 25 октябрьгача пахта тайёрлаш давлат планини бажаришга ваъда бердилар. 12 колхозчи мавсумда 15 минг килограмм, 10 колхозчи 10 минг килограмм, 16 колхозчи 5 мингдан 8 минг килограммгача пахта териб бериш мажбуриятини олди.

Колхоз правлениеси 255 колхозчидан 204 кишини пахта теримига ажратди. Ҳозир булардан 100 дан ошиқроқ колхозчи пахта тераётир. Пахта текис очила бориши блан теримчилар сонини кун сайин ошириб борамиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳарбир теримчига 2500 килограмм миқдорида мавсум плани белгиладик. Терим даврида шу план асосида терим нормасини белгилаш блан бирга, бешмингчиларга ва ундан кўп пахта терувчиларга уларнинг устларига олган мажбуриятлари асосида нормани тўла бажаришлари талаб этилади.

Колхоз правлениеси терим нормасининг тўла бажарилишига эришиш мақсадида теримчиларни мукофотлаш учун анча миқдорда ҳархил моллар ажратди. Бу мукофотлар стахановчи теримчиларга терим даврида бериб борилади. Масалан, ҳар 10 кунда 15 минг килограмм юзасидан нормасини бажарган теримчи 5 метр шойи, совун, 10 минг килограмм юзасидан нормасини бажарган теримчи 4 метр шойи, совун олади. Шунингдек, 5 мингдан 8 минг килограмм юзасидан 10 кунлик нормасини бажарган теримчиларга ҳам ҳархил миқдорда белгиланган мукофотлар бериб борилади. Бундан ташқари теримчиларга йил охирида яна алоҳида мукофот берилади.

Бизнинг колхозда 25 августда пахта терими бошланди. Ҳозир, пахта текис очилмаган бўлса ҳам кунда йиллик планнинг икки проценти миқдорида пахта терилаётир. Теримчиларимиз яхши иш намуналарини кўрсатмоқдалар. Мамат Йўлдошев, Уммат Кенжаев, Буражаб Кенжаева каби стахановчи теримчилар 150-200 килограммга етказиб пахта термоқдалар. Колхозда ҳамма теримчи кунлик нормасини тўла ва ошириб бажармоқда.

Биз бу йил пахтамизнинг 70 процентини отбор ва биринчи сорт ҳисобига топширишни асосий вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорини ҳамма теримчиларга тушунтирган вақтимизда пахтани сортларга ажратиб, яхши сифатли қилиб теришга жиддий эътибор бериш кераклигини ҳар доим уқдириб келамиз.

Колхозчиларимиз, отбор пахта терганлик учун қўшимча мукофот олажакларини англаб, пахтани сортларга ажратиб теришга жиддий эътибор бермоқдалар. Шунинг натижасида дастлабки кундан бошлаб топширган пахтамизнинг кўп қисми отбор сорт ва қолган қисми биринчи сортга қабул қилинаётир.

Колхозимиз ўтган йил гектаридан 22 центнер пахта бериб, планини ошиғи блан бажарган эди. Бу йил гектаридан энг камида 25 центнер ҳосил топширамиз. Назира Йўлдошева, Мели Худойбергенова ва Тиллахўжа ота бошлиқ звенолар 100 центнердан ҳосил бермоқчилар. Бунга бизда катта ишонч бор. Даладаги мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб, давлатга топшириш учун барча куч-қувватимизни ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Қурбонбой МУЛЛАЕВ.

Сирдарё район, Серноворосcийск қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси.

МИХАИЛ БОТВИННИК—ГРОНИНГЕН ТУРНИРИДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Гронингенда бошланган халқаро шахмат турнири тамом бўлди.

СССР шахмат чемпиони Михаил Ботвинник турнирда 14 ярим ютуққа эга бўлиб, ғолиб чиқди. Илгариги жаҳон чемпиони Макс Эйве (14 ютуқ) иккинчи ўринни, Василий Смислов (12 ярим ютуқ) учинчи ўринни олди.

Турнирда ғолиб чиққанларга ўн мукофот берилди. Михаил Ботвинник 1500 гульден миқдоридаги биринчи мукофотни, кумушдан ясалган тамаки қутини (Голландия қироличасининг совғаси) олди. Иккинчи мукофот Макс Эйвега, учинчи мукофот Василий Смисловга берилди. Тўртинчи ва бешинчи мукофотларни Найдорф ва Сабо, олтинчи ва еттинчи мукофотларни Флор ва Болеславский, саккизинчи ва тўққизинчи мукофотларни Лундин ва Штольц бўлишиб олдилар. Котов, Тартаковер ва Денкер ўнинчи мукофотни бўлишдилар.

СССР-АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

12 сентябрьда Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида СССР шахматчилари блан Америка Қўшма Штатлари шахматчиларининг халқаро шахмат мусобақаси тантанали суратда бошланди.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг давлат байроқлари блан безатилган эстрадага гроссмейстер М. М. Ботвинник бошчилигида совет шахматчилари ва гроссмейстерлардан С. Решевский ва Р. Файн, Америка Қўшма Штатлари чемпиони А. Денкер бошчилигидаги Америка шахмат командасининг аъзолари, мусобақа ўтказувчи штаб аъзолари ва судьялар коллегиясининг аъзолари тўпландилар. Одамлар блан лиқ тўлган томоша залида шахмат ҳаваскорлари, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ўтирибдилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бутун Иттифоқ физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси Н. Н. Романов совет шахматчилари номидан Америка командасини ва улар орқали Америка Қўшма Штатларининг шахматчиларини табриклади. Романов ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий алоқани янада кучайтиришга хизмат қиладиган бу халқаро мусобақа натижасида шахмат санъатига яна муҳим бир ҳисса қўшилади, деб ишонч билдирди. Ўртоқ Романов ўз нутқида Москвага келган собиқ жаҳон чемпиони Голландия гроссмейстери доктор Макс Эйвени ҳам табриклади. Эйве бош судья сифатида чақирилган.

Америка Қўшма Штатларининг СССРдаги ишлар вакили Э. Дюрброу табрик нутқи сўзлади. Дюрброу жаноблари бундай мусобақалар Америка Қўшма Штатлари халқлари блан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлажагини, маданият арбобларининг ўз тажрибаларини ўртоқлашишларига ёрдам беражагини таъкидлаб, шундан кейинги мусобақани Америка Қўшма Штатларида ўтказишни истаганлигини билдирди.

Шундан кейин, Америка командасининг раҳбари Морис Бертхейм ва Чет эллар блан маданий алоқа жамияти раисининг ўринбосари А. В. Караганов табрик нутқи сўзладилар.

Мусобақа ўтказувчи ташкилот комитетининг раиси С. В. Пушнов мусобақа бошланганини эълон қилди.

Мусобақа қатнашчилари — совет ва америка шахматчилари ўз ўринларини эгалладилар. Судьялар коллегиясининг СССРдан тайинланган аъзоси мастер Н. М. Зубарев шахмат соатларини юргизиб юборди. Мусобақа бошланди.

Биринчи даврада қуйидагилар учрашдилар: Ботвинник-Решевский, Файн-Керес, Смислов-Денкер, Горовиц-Болеславский, Котов-Кэжлан, Стейнер-Флор, Рагозин-Пинкус, Кевиц-Бондаревский, Лилиенталь-Дейк, Ульвестад-Бронштейн (номлари олдин айтилган мусобақа қатнашчилари оқ доналар блан ўйнадилар). (ТАСС).

✦

Мусобақанинг биринчи кунидаги ўйинлар ғоят жиддий ўтди. Буни шундан билиш мумкинки, биринчи даврада бошланган ўн ўйиндан фақат бир ўйин—Файн—Керес ўртасидаги ўйин тугади. Улар Нимцович ҳимоя усулини қўлладилар, шу блан бирга, Керес кескин ва мураккаб бир вариантни танлаб олди. Аммо, ўйин амалда кутилгандек бўлмади. Ҳар икки томон ҳам дадил ўйнашга журъат этолмади ва кўп доналар алмаштирилгандан кейин, йигирма еттинчи юришда ўйин дуранг бўлиб тамомланди.

Керес ютиб чиққан кечаги ўйинни ҳисоблаганда, ҳозирча Америка командаси ярим ютуққа, СССР командаси бир ярим ютуққа эга.

13 сентябрь кечқурун соат 5 да биринчи давра ўйинлари давом эттирилади. 14 сентябрьда ўйин бўлмайди. 15 сентябрьда иккинчи давра бўлади. 16 сентябрьда тамом бўлмаган ўйинлар ўйналади.

КАТТАҚЎРҒОН ҲОВУЗИ ҚУРИЛИШИДА

Мусобақа илғорлари мукофотланди

Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб Фарғона ГЭС қурилиши бинокорларини социалистик мусобақага чақирган Каттақўрғон ҳовузи қурувчилари сентябрь ойининг биринчи ўн куни ичида плотина танасига тупроқ ётқизишда катта муваффақиятга эришдилар. Бухоро области блан мусобақалашган Самарқанд областининг колхозчилари ўн кунлик топшириқни 147 процент бажариб, ғолиб чиқдилар. Бухороликлар эса, 119 процент бажардилар. Қурилиш бошқармаси ва партия ташкилотининг областьлар ўртасидаги кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти Самарқанд областининг колхозчиларига берилди.

Шунингдек, районлар ўртасида ғолиб чиқиб, ўнкунлик топшириқни 149 процент бажарган Бухоро область Олот районига (раҳбари ўртоқ Расулов) районлар ўртасидаги кўчма қизил байроқ, ўн кунлик планини 400 процент бажарган Кўшработ районининг ўртоқ Умаров бошлиқ бригадасига, бригадалар ўртасидаги кўчма қизил байроқ, топшириқни 450 процент бажарган Ғиждувон районининг ўртоқ Исломов бошлиқ звеносига звенолараро кўчма қизил байроқ ва пул мукофотлари берилди.

Каттақўрғон ҳовузи қурилишида ишлар кундан-кун қизғин тус олмоқда.

Соли ХЎЖАЕВ.

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД

Жиноий ташкилотлар тўғрисидаги масала юзасидан СССР бош қораловчиси ўртоқ Р. А. РУДЕНКОнинг охирги сўзи*)

Немис ҳарбий ва граждан ма'мурларининг ўзаро биргалашиб ишлаш усули босиб олинган ерларда айниқса кенг қўлланилди.

Гитлерчи ҳарбий бошлиқлар инкор қилиб бўлмайдиган аниқ далиллар туфайли, масалан, ташқи ишлар министрлиги ёки шарқда босиб олинган ерлар министрлиги блан алоқа қилганликларини э'тироф этишга мажбур бўлсалар ҳам, герман давлат полицияси ва СС блан алоқа қилганликларига иқрор бўлишдан қат'ий бош тортмоқдалар.

Бунинг сабаби ма'лум. Полиция ва СС блан алоқа қилганлигига иқрор бўлиш уларнинг босиб олинган ерлардаги жуда кўп жиноятларда қатнашганликларини фош қилар эди.

Шу сабабдан мен герман ҳарбий қўмондонлиги блан герман давлат махфий полицияси ва бошқа ҳар хил полиция органлари ўртасида жиноий алоқа бўлганлигини исбот қилиб беришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

Бу алоқа гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилишдан кўп вақт илгари бошланган эди.

Алоҳида областьлар тўғрисида 1941 йил 13 мартда герман қуролли кучлар олий қўмондонлиги томонидан чиқарилган ва Кейтель қўл қўйган қўлланмада босиб олинган ерларда СС рейхсфюрери блан армия қўмондонлигининг биргалашиб ҳаракат қилиши зарурлиги айтилади.

Герман империя хавфсизлик бошқармасининг илгариги раҳбарлари гувоҳ Вальтер Шелленберг блан Отто Олендорф судда гувоҳлик берган вақтда бундай деган эдилар: 1941 йил май ойида, герман қуролли кучлар олий қўмондонлигининг кўрсатмаларига биноан, герман қуролли кучлар олий қўмондонлиги вакили генерал—квартирмейстер Вагнер блан хавфсизлик полицияси ва СД бошлиғи Гейдрих ўртасида битим тузилди. Бу битим герман қуролли кучлари составида хавфсизлик полицияси ва СДнинг махсус оператив группаларини ташкил қилишни кўзда тутар ва бу группаларнинг иш тартибини белгилаб берар эди.

Гувоҳ фон Браухични судда сўроқ қилган вақтда, у Вагнер блан Гейдрих ўртасида музокаралар олиб борилганлигидан хабардор бўлганлигини тасдиқлади.

Герман қуролли кучлари составида хавфсизлик полицияси ва СД оператив группалари бўлганлигини ва бу группаларнинг нима иш қилганлигини бир қанча ҳужжатлар тасдиқлайди.

Хавфсизлик полицияси ва СД қарамоғидаги «А» группасининг ўз иши тўғрисида 1941 йил 15 октябрьда ёзган ҳисоботида бундай дейилган:

«Бизнинг вазифамиз қўшин қўмондонлари ва фронт орқасидаги бошлиқлар блан шахсий алоқа боғлашдан иборат эди. Шуни айтиш керакки, армия блан жуда яхши алоқа ўрнатилди, бу алоқа ба'зи ҳолларда жуда яқин, самимий эди. Масалан, танк группасининг қўмондони генерал—полковник Гёппнер блан бўлган алоқани шундай деб айтиш мумкин».

Яна бундай дейилади:

«Шарқ томонга ҳужум ҳаракатлари бошланиши бланоқ хавфсизлик полициясининг фақат фронт орқасидаги районларгина эмас, балки асосий кучлар ҳаракат қилаётган районларда ҳам махсус иш олиб бориши зарурлиги равшан бўлиб қолди».

Белоруссия бош комиссари жаллод Кубе 1941 йил 1 ноябрьда бир хат ёзган. Кубе ўз хатида Слуцк шаҳридаги полиция органларининг жиноий ҳаракатларидан ғазабланганлигини айтади. Бу хатдан Слуцк шаҳрида яҳудийларни кўплаб отган 11-нчи полиция батальонининг бевосита ҳарбий қўмондонликка бўйсунганлиги аниқ кўринади.

Геринг, Дениц, Йодль, Кейтель чиқарган буйруқлар, Вагнер блан Гейдрих ўртасида тузилган жиноий битим, Райхенау ва Манштейн чиқарган буйруқлар босиб олинган ерларда немис қўшинлари ва хавфсизлик полицияси оператив группаларининг сон-саноқсиз қонли жиноятларига йўл очиб берган.

Миллионларча бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкишда немис солдати Книттель ва оберефрейтор Буртгина эмас, балки немис армияси фельдмаршаллари ҳам қатнашган.

Герман қуролли кучлар олий қўмондонлиги ва герман бош штаби раҳбарлик қилган гитлерчилар ҳарбий машинаси ҳамма ишда ҳал қилувчи куч бўлган. Гитлерчилар ҳукуматининг ҳамма жиноий агрессив планлари, ҳамма ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар ана шу куч воситаси блан уюштирилган ва амалга оширилган.

Шундай қилиб, герман олий қўмондонлиги ва герман бош штаби гитлерчилар тўдасининг жиноий фитнасини амалга оширувчи энг муҳим ташкилотлардан бири бўлган; герман қуролли кучларининг олий бошлиқлари эса, бу фитнада актив қатнашган.

Мен суд терговида бу ҳарбий ташкилотнинг жиноий характери тўла исбот қилинган деб ҳисоблайман.

ҲУКУМАТ (ҲУКУМАТ А'ЗОЛАРИ)

Мен жиноий ташкилот деб айблаваётган ташкилотлардан энг сўнггиси — гитлерчилар ҳукуматига, ҳукумат а'золарига тўхталаман. Гитлерчилар ҳукумати фашистлар диктатураси системасида алоҳида ўрин тутар эди.

Айбноманинг «В» иловасида ҳукумат ҳай'атида бўлган кишиларнинг рўйхати батафсил кўрсатилган. Шу сабабдан гитлерчилар томонидан қилинган ва айбноманинг биринчи, иккинчи учинчи ва тўртинчи бобларида санаб ўтилган жиноятлар учун жавобгарлик ана шу кишилар бўйнига тушади.

Трибунал нацистларнинг мисли кўрилмаган мудҳиш жиноятлари тўғрисида тақдим этилган далилларни тўққиз ой текширди. Биз бу ерда полиция ва вермахт, эсэсчилар ва гестапо, босиб олинган ерлардаги империя вакиллари ва империя комиссарлари, турли мансабдаги фюрерлар ва лейтерлар томонидан қилинган жиноятларни кўрдик. Бу жиноятлар изчиллик ва уюшқоқлик блан қилинган, бу жиноятларни қилишда бир хил усул ва йўллар қўлланилган. Шу сабабдан биз бу жиноятларни қилишга бир марказ раҳбарлик қилган ва йўл-йўриқ бериб турган деб узил-кесил айта оламиз. Жуда кўп ва хилма-хил бўлган бу жиноятларга фашист фитначилар тўдаси, гитлерчилар ҳукумати раҳбарлик қилган.

Шу сабабдан ҳимоячилар ва айбдорларнинг, Гитлер вақтида министрлар кенгаши ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган техник бир аппаратдан иборат эди деган сўзларига сра ишониб бўлмайди. Ҳақиқатда, министрлар ўзларига тааллуқли масалаларни ўзлари ҳал қилибгина қолмай, шу блан бирга Гитлернинг буйруқларини ҳам бажариб турар эдилар. Расмий ва ғайри расмий суратда муҳокама қилинган масалалар тўғрисида Гитлер қат'ий қарор қабул қилар эди. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин, шу блан бирга гитлерчи министрлардан ҳар бири ўз идорасида фюрер эди, у ўз маслаҳатлари, тақдим этган материаллари, қонун ва буйруқ лойиҳалари блан бирнеча идоранинг фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан Гитлер чиқарадиган қарорга анча катта та'сир қилар эди. Бу фактни унутиш мумкин эмас. Шу блан бирга Гитлернинг фикри унинг қўл остидаги министрларнинг фикри ва маслаҳатларига тамомила мос келганлигини ҳам назарга олиш керак. Министрлар Гитлер учун нақадар зарур бўлса, Гитлер ҳам улар учун шу қадар зарур эди. Геринг, Фрик, Розенберг, Нейрат, Шпеер, Функ ва бошқаларни Гитлерсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, Гитлерни ҳам ана шу кишиларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Улар Гитлер раҳбарлиги остида фашистлар фитнасини уюштиришда фаол қатнашдилар ва ҳар бири шу умумий жиноий план бўйича ўз идорасига юклатилган вазифани онгли суратда актив бажардилар. Улар гитлерчилар Германиясидаги марказий идоралар— молия, экономика, юстиция, йўл ишлари ва бошқа шу каби идораларнинг раҳбарлари бўлиб, 1933—1945 йиллар давомида қонун чиқариш, ижро, ма'мурият соҳасида ва сиёсий ишлар соҳасида бутун ҳокимиятни ўз қўлларида тутдилар. Улар бу ҳокимиятдан ўзгаларнинг ерини босиб олиш, ирқ ва халқларни қириш, бутун дун'ё устидан ҳукмронлик қилиш тўғрисидаги жиноий планларни амалга ошириш учун фойдаландилар. Бу жиноий планларни бажаришни осонлаштириш мақсадида, улар даставвал немис халқи ва немис давлати устидан ҳукмронлик қилишни зўрлик блан ўз қўлларига олдилар ва ҳаддан ташқари қаттиқ чоралар блан бу ҳокимиятни ўз қўлларида сақладилар. Германияда фашистлар террори Гитлер ҳокимият тепасига келишдан илгариёқ бошланган эди. 1933 йилда Гитлер бош министр, айбдорлардан Фрик, Папен ва Нейрат империя ҳукуматининг министри бўлганларидан кейин бу террор айниқса кучайди. Бу фашист министрлар ҳукумат а'зоси бўлганликларидан фойдаланиб, нацистлар партияси қарамоғидаги штурмчи отрядларнинг террори учун кенг йўл очиб бердилар ва ҳокимиятни қўлга олишга тайёрландилар, бунинг учун рейхстагга ўт қўйилишидан фойдаландилар. Рейхстагга ўт қўйишни айбдор Геринг уюштирган эди.

Фашистлар ҳокимиятни олгандан кейин—1933 йил 24 мартда «Халқни ва давлатни ҳимоя қилиш тўғрисида» деб дарҳол қонун чиқарилади. Бу қонунга биноан империя ҳукуматига, рейхстаг рухсатидан ташқари, қонун чиқариш ҳуқуқи берилди.

Империя ҳукумати 1933 йил 26 майда коммунистлар ташкилотларининг мол-мулкини мусодара қилиш тўғрисида фармон чиқаради, шу йил 14 июньда социал-демократия ташкилотларининг мол-мулклари мусодара қилинди. Жиноий империя ҳукумати 1933 йил 1 декабрьда Гитлер ва айбдор Фрик имзоси блан «Партия ва давлатнинг бирлигини та'минлаш тўғрисида» қонун э'лон қилди.

Империя ҳукумати демократик ташкилотларни тугатиш сиёсатини давом эттириб, 1934 йилда «Империяни ислоҳ қилиш тўғрисида» чиқарган қонуни блан марказий ва маҳаллий идораларга демократик усулда вакиллар сайлашни бекор қилди. Фашистлар рейхстагни ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган бир идорага айлантириб қўйдилар.

1933 йил 7 апрельда чиқарилган қонунга ва бошқа қонунларга биноан бир вақт фашистларга қарши кайфиятда бўлганлиги ёки сўл ташкилотларда а'зо бўлиб турганлиги аниқланган ҳамма давлат хизматчилари, шу жумладан судьялар, шунингдек яҳудийлар хизматдан бўшатилди ва улар ўрнига фашистлар тайинланди. «Амалдорлар тўғрисида немис қонунининг асосий қоидалари» деб 1933 йил 26 январьда чиқарилган қонунга биноан, «амалдорнинг партия блан алоқа қилиши, унинг вазифага тайинланиши учун шартдир... Амалдор гитлерчилар партияси раҳбарлик қилаётган национал-социалистлар давлатининг иродасини ижро қилувчи бўлмоқлари керак».

Германияда давлат ҳокимияти аппаратининг тамомила фашистлаштирилиши гитлерчи фитначиларга кейинчалик бу аппаратдан ўз жиноий планларини амалга ошириш учун итоатли қурол сифатида фойдаланиш имкониятини берди.

Гитлерчилар ҳукумати фашистлар мафкурасини ёйиш ва Германия аҳолисини алдаш учун бирқанча чораларни кўрди.

1934 йил 1 майда маориф министрлиги тузилди. Бу министрликка ўқувчиларни милитаризм руҳида, ирқий душманлик ва фашистларнинг бема'ни ғоялари руҳида тарбиялаш топширилди.

Ёшларнинг империя раҳбари ва унга қарашли органлар ҳам худди шундай вазифани ўтадилар.

Шахс эркинлиги, сўз ва матбуот эркинлиги бекор қилинди.

Озод профсоюзлар тугатилди, уларнинг мол-мулки мусодара қилинди, раҳбарларнинг кўпчилиги турмага қамаб қўйилди.

Ҳарқандай қаршиликни зўрлик блан бостириш мақсадида, ҳукумат гестапо ва қамоқ лагерьларини ташкил қилди. Фашистларга қарши кайфиятда деб гумон қилинган юз минглагча киши ҳеч бир судсиз, қонунга мувофиқ бирон конкрет айб қўйилмасдан қамоққа олинди ва ўлдирилди.

Ҳимоячилар, яҳудийларни ирқий жиҳатдан камситиш тўғрисида шармандали Нюрнберг қонунларини чиқаришда империя ҳукуматининг а'золари иштирок қилмадилар, деб ишонтирмоқчи бўлдилар. Ҳолбуки, Нюрнбергда чиқарилган қонунларда империя а'золаридан икки кишига, чунончи Гесс ва Фрикка бу қонунларни тўлатиш учун қўшимча декретлар ишлаб чиқиш ва нашр қилиш топширилган эди. Гесс ва Фрик бу қонунларни нашр қилдилар.

Фрик айбдор Герингнинг топшириғига биноан, Функ блан биргаликда 1938 йил 3 декабрьда «Яҳудийларнинг мол-мулкини тугатиш тўғрисида» декретлар ва бошқа бирқанча қонунлар чиқарди.

Ҳарбир давлатда ҳукумат ўзи ҳокимият тепасида турган даврда нашр этилган ҳамма қонунлар учун жавобгардир.

Трибунал гитлерчилар ҳукуматининг агрессияни тайёрлаш ва уни бошлаш йўлида олиб борган бутун фаолиятини муфассал кўздан кечирди. Бу ерда гитлерчилар Германиясининг 1938—1939 йилларда Австрия ва Чехословакияни босиб олганлигини, Польшага, Югославия ва Совет Иттифоқига ҳужум қилганлигини эслатиб туришим учун эҳтиёж йўқ. Трибуналга тақдим этилган жуда кўп ҳужжатлар гитлерчилар ҳукуматининг босиб олинган Франция, Польша, Чехословакия, Югославия, Норвегия, Голландия, Бельгия ва бошқа мамлакатларнинг ерларини, шунингдек СССРнинг босиб олинган бирқанча ерларини қўлда сақлаш учун бутун чораларни кўрганлигини тасдиқлайди. Совет армияси ва иттифоқчи давлатлар армияларининг қувватли зарбаларигина фашист фитначиларга ўз ёвуз планларини амалга ошириш имкониятини бермади.

Гитлерчилар ҳукуматининг жиноий фаолияти урушга сабаб бўлди. Бу уруш миллионларча кишиларни ҳалок қилди ва кўп халқларга сон-саноқсиз зарар етказди, уларнинг бошига мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар келтирди.

Гитлерчилар ҳукумати уруш ҳаракатлари вақтида немис қўшинлари ва немис ма'мурлари томонидан қилинган ҳамма ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши қилинган жиноятлар учун ҳам жавобгардир. Судда кўрилган жуда кўп далиллар гитлерчилар Германиясининг урушни шафқатсизлик блан, уруш қонунлари ва урф-одатларини сра писанд қилмай олиб боришга тайёрланганлигини равшан кўрсатди.

Бу ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар фашист агрессорга қарши бирлашган ҳуррияпарвар халқларнинг қуролли кучларига нисбатангина эмас, балки ҳеч айби бўлмаган тинч халққа нисбатан ҳам қилинган. Гитлерчилар Германиясининг ҳукумати Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилишдан кўп вақт илгариёқ совет халқининг йирик қисмини ваҳшийларча қириб ташлаш тўғрисида диққат блан мудҳиш планлар тузган.

Немис-фашист ёвузларининг Новгород, Ставрополь, Орёл, Сталино, Смоленск, Киев ва бошқа шаҳарларда қилган ёвузликлари тўғрисида Фавқулодда Давлат Комиссиясининг бундан илгари э'лон қилинган ахборотлари немис босқинчиларнинг ҳарбий асирларни ва совет тинч аҳолисини изчиллик блан қасддан кўплаб ўлдирганликларини аниқлади.

Ҳамма айбдорлар — гитлерчилар ҳукуматининг а'золари гитлерчиларнинг қамоқ лагерьларида қилган мисли кўрилмаган ёвузликларини, эсэсчиларнинг ваҳшиёна бебошликларини, вақтинча босиб олинган ерларда немис ма'мурлари қилган йиртқичликларини билмаганликларини, бу жиноятларни гўё шу суддагина эшитганликларини да'во қилдилар. Лекин бу да'во очиқдан-очиқ ёлғондир.

Бу фактларни ҳарбир немис ма'лум даражада билар эди. Бу тўғридаги хабарларни бутун дун'ёдаги радиостанциялар эшиттириб турар эди.

Герман ма'мурларининг совет ҳарбий асирлари ва тинч совет халқига нисбатан қилган қабиҳ ёвузликлари СССР Ташқи Ишлар Халқ Комиссари В. М. Молотовнинг 1941 йил 25 ноябрьда ва 1942 йил 27 апрельда ёзган ноталари орқали бутун дун'ёга ма'лум қилинган эди. Немис армияси ва немис ма'мурлари халқаро ҳуқуқ ва кишилик ахлоқига доир ибтидоий қоидаларни поймол қилдилар. Немис армияси ва немис ма'мурларининг бу жиноятлари империя ҳукуматига шу юқорида айтилган ноталардан ма'лум эди. Уруш қонунлари ва урф-одатларини жиноятқорона поймол қилиш 1943—1945 йилларда ҳам давом этди. Демак, бу жиноятларнинг ҳаммаси гитлерчилар ҳукуматининг ижозати ва бевосита кўрсатмаси блан қилинган.

Масалан, Розенберг Женева муоҳадасининг совет ҳарбий асирларига татбиқ қилинмаслиги тўғрисида Ламмерсдан мактуб олмаганми?

Совет ҳарбий асирлари блан шафқатсиз суратда муомала қилиш ва уларни таҳқир этиш тўғрисида министрларга айбдор Борман имзоси блан партия маҳкамасининг фармойиши юборилмаганми?

Ички ишлар министрлиги, империя хавфсизлик бош идораси, гестапо, турма ва қамоқ лагерьлари герман ҳукуматининг органлари эмасми, ахир?

Германия ҳукумати ана шу фашист давлат органлари томонидан қилинган ҳамма жиноятлар учун тамомила жавобгар бўлмоғи керак.

Гитлерчилар ҳукуматининг а'золари ўзларини эсэсчилар блан ҳеч қандай алоқа қилмаган кишилар деб кўрсатишга зўр бериб уриндилар. Эсэсчилар блан алоқа қилганликлари фош этилганда эса, бири-биридан ёлғон баҳоналарни келтирдилар.

Розенберг, Нейрат, Фрик, Франк, Риббентроп ва бошқалар СС ҳамда СА генераллари эдилар.

Бу ҳол фақат юзаки аҳамиятга эга бўлган бир нарса эмас эди. Буни айбдор Риббентропнинг 1940 йил 22 июльда Гиммлерга ёзган хатидан билиб олиш мумкин. Совет қораловчилари бу хатни судга тақдим қилган эдилар.

Министр Розенберг министр Гиммлернинг ваҳшиёна буйруқларидан бехабар эканлигига судни ишонтирмоқчи бўлиб уринди.

Гиммлер Украина областьларини ёппасига вайрон қилиш тўғрисида 1943 йил 7 августда СС ва СД бошлиқларига буйруқ берган. Гиммлер ўз буйруғида Украина областьларини бўшатиб чиққандан кейин «бу ерда битта киши, битта ҳам мол, бир центнер ғалла, битта ҳам темир йўл изи қолдирилмасин, ҳамма уйлар вайрон қилинсин, яқин фурсатда ишга солиш мумкин бўлган битта ҳам шахта қолдирилмасин, ҳамма қудуқлар заҳарлансин» деб таклиф этади. Гиммлер ўз буйруғида бу буйруқ ҳақида босиб олинган шарқий ерлардаги давлат министри Розенберг хабардор қилинсин деб атайин эслатиб ўтади.

Министр Геринг «империяда граждан ишчилар ва поляк миллатидан бўлган ишчи аёллар блан муомала қилиш» тўғрисида 1940 йил 8 мартда «олий империя ма'мурларига» буйруқ юборган.

Министр Франк юз минглагча полякларни ҳар қандай йўллар блан немислар қуллигига ҳайдаб олиб кетиш тўғрисида Герингдан буйруқлар олиб турган. Франк буни ўз хотира дафтарида бирнеча марта такрорлайди.

Министрлардан Шпеер, Розенберг, Кейтель, Функ, Зейсс-Инкварт ва бошқаларнинг ҳарбий асирларни ва немислар босиб олган ерлардаги тинч аҳолини мажбурий суратда ишлатиш тўғрисида буйруқ берганликлари ва бу тўғрида тегишли чоралар кўрганликлари судда фош қилинди.

Министр Розенберг «марказий» фронтда ҳаракат қилаётган армия группасининг совет территориясида яшовчи 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 40—50 минг болани ушлаб, Германияга келтириш тўғрисидаги тадбирини ма'қуллаган.

Ана шу тадбирлар гитлерчилар ҳукуматининг жиноятларини кўрсатмайдими?

Ҳужжатлардан аниқланишича, немислар босиб олган ерларни изчиллик ва уюшқоқлик блан талаш гитлерчилар ҳукуматининг ва бу ҳукуматдаги айрим а'золарнинг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида қилинган. Босиб олинган совет ерларини изчиллик блан талаш тўғрисида министр Герингнинг буйруқлари (Герингнинг «кўк папка» деб аталган папкаси), министрлардан Розенберг ва Риббентропнинг маданий бойликларни ва сан'ат ёдгорликларини талаш учун тузган талончи «эйзатцштаб» ва «махсус батальон»ларининг иши, министрлардан Функ ва Шпеерларнинг ҳаракати гитлерчилар ҳукуматининг немислар босиб олган ерларни талашда қатнашганлигини яққол кўрсатмайдими, ахир.

Германиянинг империя ҳукумати гитлерчилар томонидан вақтинча босиб олинган ерларда давлат, жамоат ва хусусий мулкни талаганлик, маданий бойликларни вайрон қилганлик ва ўғирлаганлик учун жавобгардир. Босқинчилар ўз ҳаракатлари блан ёлғиз СССР га 679 миллиард сўмлик моддий зарар етказдилар.

Империя ҳукуматининг а'золари немислар босиб олган областьларни мажбурий суратда германлаштирганлик учун ҳам жавобгардирлар. Худди империя министрлари Геринг, Фрик, Гесс, Ламмерс Польшанинг ғарбдаги тўрт вилоятини Германияга қўшиш тўғрисидаги фармонни имзоладилар. Министр Фрик империя вакили Райнерга йўл-йўриқ бериб, бундай деган эди:

«...Сизнинг энг асосий вазифангиз Югославиядаги янги Каринтия ва Юқори Крайна областьларини тамомила Германия империяси составига қўшишдан иборатдир... Чунки босиб олинган ерлар немислаштирилмаганида, бу ердаги ҳарбир идора усули, ҳар қандай яхши йўлга қўйилган бўлсада, бир вақт барбод бўлади... Сиз партияли ўртоқ Райнернинг вазифангиз бу областьни яна ва тамомила немис области қилишдан иборатдир».

Бу ерда министрлардан Риббентроп ва Гиммлернинг чет элларда разведка хизматини уюштириш тўғрисидаги битимини, Гиммлер ва Борманнинг юстиция министри Тирак блан хавфли унсурлар баҳонаси блан яҳудийлар, руслар, украинлар, поляклар ва чехларни ўлдириш юзасидан бўлган алоҳида оммавий полиция тадбирларини амалга ошириш тўғрисида 1942 йил 13 сентябрьда тузган битимини, министр Ламмерснинг ерга қўнган иттифоқчи учувчиларни ўлдиришда айбдор бўлган кишиларни жавобгарликка тортмаслик тўғрисида 1944 йил 4 июньда министр Тиракка ёзган хатини, министр Кейтельнинг иттифоқчи учувчилар блан қандай муомала қилиш кераклиги тўғрисида ташқи ишлар министрига ёзган хатини эсга олиш бу ҳукуматнинг босқинчилар ҳукумати эканлигини кўз олдига келтириш учун кифоядир.

1938 йил 4 февральда Гитлер махфий министрлар кенгаши тузиб, бу кенгашнинг вазифасини қуйидаги сўзлар блан белгилаб берди: «Ташқи сиёсат масалаларида менга ўз маслаҳатлари блан ёрдам бериб туриш учун махфий кенгаш тузаман».

Гитлер махфий кенгашнинг раиси қилиб Нейратни, кенгаш а'золари қилиб Риббентроп, Геринг, Гесс, Геббельс, Ламмерс, Браухич, Редер ва Кейтельни белгилади.

1935 йил 21 майда Гитлер империя мудофаа кенгаши тузди.

1939 йил 30 августда Гитлер давлат мудофаа кенгашини Германия империясини мудофаа қилиш юзасидан министрлар кенгашига айлантирди, бу кенгашнинг раиси қилиб министр Герингни, кенгаш а'золари қилиб министрлардан Гесс, Фрик, Функ, Кейтель ва Ламмерсни тайинлади.

1939 йил 23 июньда чақирилган мажлисда кенгаш раиси Геринг, «империя мудофаа кенгаши урушга тайёрланиш масалаларини ҳал қилишда империяда энг муҳим ташкилотдир», «мудофаа кенгашининг мажлислари жуда муҳим қарорларни қабул қилиш учун чақирилади», деб уқдириб ўтди.

Бу кенгашнинг вазифаси мамлакатни мудофаа қилиш эмас, балки ҳужум қилиш, агрессив урушларга тайёрланиш эди.

Урушга тайёрланишда империя мудофаа кенгашининг а'золаригина эмас, балки қолган ҳамма министрлар ҳам қатнашди.

Масалан, кенгашнинг 1939 йил 23 июньда бўлган мажлисида Геринг, Функ, Фрик, Гиммлер, Кейтель ва Ламмерс блан бир қаторда министрлардан Шверин фон Крозиг, Дорпмюллер ва бошқалар ҳам қатнашган.

Бу мажлисда ҳарбий саноатда ҳарбий асирлар ва босиб олинган ерлардаги тинч аҳоли меҳнатидан фойдаланиш блан бирга, уруш вақтида маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш ҳам мўлжалланган.

Мажлиснинг протоколида бундай дейилган:

«Экономика ишлари блан шуғулланувчи бош вакилга (я'ни Функка) ҳарбий асирлар, шунингдек турмалар, қамоқ лагерьлари ва каторгадаги кишилар бажариши лозим бўлган ишларни белгилаш топширилади. СС рейхсфюрерининг ма'лумотларига кўра, уруш вақтида қамоқ лагерьларида анча кўп киши бўлади. Дастлабки ма'лумотларга қараганда, қамоқ лагерьларидаги ишхоналарда 20 минг маҳбус ишлаяжак».

Шу мажлисда ҳарбий хўжалик корхоналарини урушга тайёрлашда қуролли кучлар олий қўмондонлиги блан экономика ишлари блан шуғулланувчи бош вакил ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1939 йил 3 майда чиқарилган буйруқ тилга олинган, ялпи уруш планлари муҳокама қилинган, бош штаб 5-нчи бўлими бошлиғи полковник Герке ва йўллар министри Дорпмюллернинг махсус докладлари эшитилган.

Империя ҳукуматининг барча а'золари бу қарорлар тўғрисида хабардор қилинганми? Албатта, хабардор қилинган. Буни 1939 йил 23 июньда бўлган мажлиснинг протоколи кимларга юборилганлиги ёзилган рўйхат аниқ кўрсатиб турибди. Империя мудофаа кенгаши мажлисининг протоколи қуйидаги кишиларга: фюрер ўринбосари, империя маҳкамаси бошлиғи, махфий министрлар кенгаши раиси, тўрт йиллик планни амалга ошириш вакили, ташқи ишлар министри, юстиция, ички ишлар, тарбия ва халқ маорифи, экономика, черков ишлари, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, меҳнат, молия, йўллар, почта министрларига, рейхсбанк директорати ва бошқаларга юборилган.

Империя ҳукумати а'золарининг кўпчилиги ҳозирги судда кўрилаётган иш юзасидан жавобгарликка тортилганлиги бу ташкилотнинг характери тўғрисидаги масалани ўз-ўзидан ҳал қилади.

Мен гитлерчилар Германияси ҳукуматининг оғир жиноятлари тамомила исбот қилинган ва уни жиноий ташкилот деб таниш керак деб ҳисоблайман.

ЖАНОБ СУДЬЯЛАР!

Фашистлар фитнасининг бошлиқлари ўзлари мўлжаллаган ёвузликларни амалга ошириш учун, мен ўз нутқимда айтган шу жиноий ташкилотларни тузганлар.

Бутун дун'ё устидан ҳукмронлик қилишни ва халқларни қиришни мақсад қилиб қўйган кишилар ҳозир ҳаяжон блан суд ҳукмини кутмоқдалар.

Бу ҳукм ҳозир қора курсида ўтирган, қонхўр фашист «ғояларни» тарғиб қилган кишилар, гитлеризм жиноятларининг асосий ташкилотчилари блангина чекланмаслиги керак.

Сизнинг ҳукмингиз герман фашизмининг бутун жиноий системасини, жуда кўп ва мураккаб шохобчаларга эга бўлган партия, ҳукумат, СС, ҳарбий ташкилотларнинг ҳаммасини қоралаши керак. Бу ташкилотлар асосий фитначиларнинг жиноий буйруқларини бевосита амалга оширганлар.

Инсоният жанг майдонларида жиноий герман фаш[illegible]га аллақачон ўз ҳукмини чиқарди.

Қаҳрамон совет армияси ва иттифоқчилар шавкатли қўшинларининг кишилик тарихида олиб борган энг буюк жанглари оловида ёлғиз гитлерчи галалар тор-мор келтирилибгина қолмай, балки бунда халқаро ҳамкорлик, кишилик ахлоқи, кишилик жамиятининг инсонпарварлик қоидалари тўғрисидаги олижаноб принциплар ҳам мустаҳкамланди.

Қораловчилар олий суд олдидаги бурчни, бегуноҳ қурбонларнинг ёрқин хотираси олдидаги, халқларнинг виждони, ўз виждони олдидаги бурчни тўла-тўкис бажардилар.

Халқларнинг фашист жаллодлар устидан бўлган адолатли ва қаттиқ суди ўз ҳукмини чиқаради!

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг 6, 7, 8, 13 ва 14 сентябрь сонларида босилган.

Бойсунда ем-хашак тайёрлаш хавф остида

Сурхондар'ё область Бойсун райони энг катта чорвадор колхозларга эга. Лекин, районда чорва молларининг қишдан семиз ва соғлом чиқишининг гарови бўлган ем-хашак базасини мустаҳкамлашга э'тибор берилмай келмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг «ем-хашак тайёрлашнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарори район раҳбарлари ва колхоз правлениялари томонидан бажарилмай келаётир.

Бойсун районида бу йил ем-хашак тайёрлашга ҳарқачонгидан ҳам катта э'тибор берилиши ва ўтган йилларга қараганда анча миқдорда кўп ем-хашак тайёрланиши керак. Район 1945 йилда 59 минг 213 бош чорва молига эга бўлса, бу йил чорва молларининг сони 82 минг 546 бошга етди. Бу эса, ўтган йилга нисбатан ем-хашакни 38,8 процент кўпроқ тайёрлашни талаб этади.

Район раҳбарлари буни яхши англайдилар. Лекин улар «ем-хашак ўзи тайёрланаберадиган нарса» деган кайфият блан бу муҳим ишни кечиктиришга сабабчи бўлмоқдалар. Районда бу йил 95 минг 400 центнер сомон, 69 минг центнер ҳархил хашак, 28 минг 540 центнер беда, 44 минг 480 центнер янтоқ тайёрланиши керак. Бунинг ўрнига ҳозир 57 минг 873 центнер сомон, 46 минг 824 центнер хашак, 772 центнер беда, 8 минг 29 центнергина янтоқ тайёрланган.

Колхозлар бу йил ўзларидаги жувозлар орқали 140 тонна кунжара тайёрлашлари керак. Бундан ташқари давлатдан 1322 тонна кунжара сотиб олиш лозим. Бироқ, колхозларда шу вақтгача бир килограмм ҳам кунжара тайёрланмаган. Давлатдан сотиб олинадиган кунжара учун заявкалар тўпланмаган.

Райондаги энг катта чорва колхозларида ем-хашак тайёрлаш жуда ҳам ёмон аҳволда бораётир. Масалан, 15 мингдан ортиқ чорва молига эга бўлган Усмон Юсупов номли колхоз (раиси ўртоқ Шойназаров) 19792 центнер ўрнига энди 6.700 центнер хашак тайёрлаган. Шунингдек, ўртоқ Ҳамидов раислик қилаётган Энгельс номли колхоз 9926 центнер хашак тайёрлаш керак бўлгани ҳолда, 877 центнер, ўртоқ Ҳол'ёров раислик қилаётган Тельман номли колхоз 11 минг 690 центнер ўрнига 2.755 центнер хашак тайёрлаган, холос.

Бундай аҳволларни райондаги колхозларнинг кўпчилигида кўриш мумкин. Район раҳбарлари чорва молларининг қишки ем-хашагини ҳозирдан ғамлаб қўйиш чорва молларининг бундан буёнги ривожланишига қанчалик хизмат қилишини унутаётган бўлсалар керак.

Н. ҚОЗИЕВ.
С. ЖЎРАЕВ.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

А. Я. ВИШИНСКИЙ СЎЗИ

Совет Иттифоқи вакили Вишинский Макнейлнинг таклифларига қарши э'тироз билдирди.

Вишинский бундай деди: совет делегацияси инглиз делегациясининг музокаралар очилмасин деган таклифини эшитиб, бирмунча таажжубланди. Инглиз делегацияси вакили Макнейлнинг бу ерда айтган гапларини комиссиямизда сўз эркинлигини чеклаш, шундай ғоят жиддий ва муҳим масалани очиқ муҳокама қилишни чеклаш йўлидаги уринишдан бошқа бир нарса эмас деб тушуниш керак. Бундай таклиф комиссиямизга мақбул эмас. Ёзма шаклдаги баёнот бўлган вақтдагина чиқиб сўзлаш мумкин дейиш комиссия а'золарининг ҳуқуқларини ўринсиз чеклашга сабаб бўлади ва бундан ташқари масаланинг шу тарзда қўйилиши биз белгилаган тартибларга хилофдир.

Нутқларнинг текстлари комиссия а'золарига барвақт топширилган тақдирда, нутқларни конференциядаги асосий тилларга оғзаки таржима қилмаслик мумкин деган тартибни белгилаган эди. Бундай тартиб мақбулдир. Аммо, Буюк Британия вакили бундан ҳам нари бориб, умуман Триест масаласи юзасидан комиссияда ҳеч қандай музокара очмасликни таклиф қилди. Бундай масала нима учун илгари кўтарилмади. Триест тўғрисидаги масала ҳал этишга киришилаётган ҳозирги пайтдагина нима учун шундай масала ўртага қўйилди? Шартноманинг бошқа моддалари муҳокама қилинган вақтда нима учун шу тўғрида гапирмадилар. Ҳозирги вақтда Триестнинг истиқболи учун жуда муҳим бўлган ва жаҳон афкор оммасини қизиқтираётган масалани очиқ муҳокама қилмаслик учун «шошилинч чоралар» кўришни таклиф этмоқдалар. Ана шундай «шошилинч чоралар» нега илгари кўрилмади?

Масалаларни тезроқ ҳал қилиш керак деб айтадилар. Аммо, бундай, тезлик-шошилиш хато қилиш учун эмас, балки, хато қилмаслик учун керак. Бу ерда римларнинг: «фестина ланте» — секин-аста шошил, деган қоидасига амал қилиш яхшироқ, бу қоидада, фурсатни қўлдан бой бермай, яхши ўйлаб, уюшқоқлик блан тез ҳаракат қилинг, дейилади.

Совет делегацияси Буюк Британия вакилининг таклифини нотўғригина эмас, балки хавфли бир таклиф ҳам деб ҳисоблайди. Бу таклиф кимдир нимадан қўрқади, ниманидир яширишга ҳаракат қилади ва ҳоказо, деган фикрни туғдириши мумкин. Бундай қилишнинг нима кераги бор? Совет делегацияси энг бошданоқ конференциянинг ишлари очиқ ва ошкора тарзда олиб борилишини ёқлади. Ана шу принципни, я'ни ошкора иш кўриш ва жамоат контроли принципини чеклашга қаратилган ҳарқандай тузатиш ва ҳарқандай таклифлар бизга мақбул эмас.

Бундан ташқари масаланинг моҳиятига таллуқли бўлган бошқа ишларни ҳам назарда тутиш керак. Дарҳақиқат кичик комиссия даставвал комиссиядан тегишли йўл-йўриқ олмай туриб, қандай ишлай олади? У ҳолда кичик комиссия унинг қизғин музокаралар гирдобида рульсиз ва елкансиз адашиб қолган кемани эга тўширган бўлур эди. Мен бунга шубҳа қилмайман. Бундай ҳолда кема ғарқ бўлиб кетади, кеманинг ғарқ бўлишига эса йўл қўймаслигимиз керак.

Триест тўғрисидаги низомни муҳокама қилиш вақтида айрим принципиал масалаларни турлича тушуниш ва турлича талқин қилиш блан боғлиқ бўлган ба'зи қийинчиликлар шубҳасиз юз беради. Эркин Триест территорияси тўғрисидаги низомда ғоят жиддий масалалар қўйилганлигини унутмаслик керак. Комиссияда бу масалалар даставвал муҳокама қилинмаса, низомнинг мавжуд тўрт рўйхатини қараб чиқиш учун биз тайинлаган кичик комиссиянинг ишларини уюштириш жуда қийин бўлур эди. Триест конституцияси қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият тўғрисидаги, губернаторнинг ҳуқуқлари, ваколати ва вазифалари тўғрисидаги, губернатор блан Эркин Триест территорияси ҳукумати ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масала, Эркин Триест территорияси ва гражданлик ҳамда гражданларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги масала, ниҳоят ана шу янги давлат — Эркин Триест территориясининг ташқи мамлакатлар блан бўладиган муносабатлари асосланиши лозим бўлган негизлар ҳақидаги масала шундай масалалардандир.

Шу масалалар юзасидан делегацияларнинг фикрини эшитмоқ зарур. Фикр айрибошлаш умумий нуқтаи назар топишга ёрдам беради, ҳарқандай келишмовчиликларни бартараф қилади, тутган йўлларимизни яқинлаштиради ва мавжуд тўрт лойиҳа ўрнига бир лойиҳа тайёрлашни енгиллаштиради. Бу чора кичик комиссиянинг ишларини анча осонлаштиради. Биз кичик комиссия қўлига компос беришимиз керак, комиссия бу компосдан ўз ишларида фойдалана олади.

Совет делегацияси Триестнинг низоми тўғрисидаги масала даставвал комиссияда асосий принципиал масалалар қаторида муҳокама қилинсин деган фикрни қувватлайди. Кичик комиссия ана шу муҳокама асосида ўз иши учун дастур олади ва у амалий ҳамда самарали иш кўра олади.

Вишинскийнинг сўзидан кейин Буюк Британия вакили дарҳол айтдики, мен умумий мунозара бўлишига қарши эмасман, кичик комиссияга албатта, «йўл-йўриқ кўрсатиш» керак, аммо, ишни тезлатиш мақсадида таклиф ва мулоҳазаларни ёзма шаклда топшириш керак дейман.

Иккинчи марта сўз олган Вишинский комиссия қабул қилинган йўл-йўриқлар асосидагина кичик комиссия ўз ишини бошлаши мумкин деб яна та'кидлади. Югославия вакили Беблер бу фикрга қўшилди. Комиссия раиси Игелянд (Жанубий Африка Иттифоқи) музокаралар тўғрисидаги масалани ҳал этишни бошқа вақтга қолдиришга уриниб кўрган эди, аммо, унинг бу уриниши ҳечқандай натижа бермади.

Шундан кейин комиссия Эркин Триест территориясининг низомини, шунингдек Эркин Триест территорияси низомини қараб чиқишга боғлиқ бўлган бошқа бирқанча амалий таклифларни муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. 19 делегация бу таклифни ёқлаб овоз берди, бир делегация қарши овоз берди.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗИНИНГ БИРҚАНЧА ТУЗАТИШЛАРИНИ ҚАЙТИБ ОЛДИ

Америка Қўшма Штатлари делегацияси Ташқи ишлар министрлари кенгашида муҳокама қилинмаган бирқанча таклифларини Сулҳ конференциясининг муҳокамасига қўйди. Бу таклифларнинг ба'зилари Министрлар кенгашида келишиб чиқарилган қарорлар юзасидан тақдим этилган тузатишлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги мазкур қарорларга хилофдир.

СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрларининг ўринбосарлари Министрлар кенгашининг кўрсатмасига мувофиқ, кейинги кунларда Сулҳ конференцияси вакиллари томонидан сулҳ шартномалари лойиҳалари юзасидан тақдим этилган таклиф ва тузатишларни муҳокама қилиш учун мунтазам суратда мажлис ўтказиб турдилар. Бу кенгашлардан кузатилган мақсад—Ташқи ишлар министрлари кенгашида вакиллари бўлган мамлакатларнинг делегациялари ана шу таклиф ва тузатишлардан қайси бирларини якдиллик блан ма'қуллашини аниқлашдан иборат эди.

Журналист доираларда айтишларича, Америка Қўшма Штатлари делегациясининг вакиллари бу кенгашларда шу вақтгача мазкур таклиф ва тузатишлар юзасидан бир қарорга келишга ҳаракат қилмадилар, улар министр ўринбосарларининг кенгашини Америка делегацияси талаб қилган тарзда олиб боришга уриндилар. Совет делегацияси бундай уринишларга муносиб равишда зарба берди. 9 сентябрьда совет делегацияси Америка Қўшма Штатлари делегациясининг Югославия — Италия чегараси тўғрисидаги моддаларга тузатиш киргизиш йўлидаги шундай усулларга зарба берди. Чунки бундай усуллар халқаро кенгашлар учун ма'қул эмас эди. Америка делегацияси бугун ана шу тузатишларни қайтиб олди.

Италияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссиянинг бугунги мажлиси Югославия вакили Беблернинг сўзи блан тамом бўлди. Беблер Бенеш Словенияси районида, я'ни, Венеция Словенияси деб аталган районда Италия—Югославия чегарасини ўзгартириш ҳақида Югославия тақдим қилган таклифни қувватлади.

Бу территорияда 45—50 минг словен яшайди. Бу ерда итальянлар жуда кам туради. Бенеш Словениясининг аҳолиси итальян фашистларига қарши озодлик курашида актив қатнашди. Югославия партизанларига ва Югославия армиясига ёрдам берди. Бенеш Словенияси озод қилинганидан кейин бу ерда маҳаллий советларга сайловлар бўлди. Бенеш Словениясининг аҳолиси Югославияга қўшилиш тарафдоридир.

Шуни айтиш керакки, ҳарбий мудофаа тарзидаги далиллар ҳам француз делегациясининг бу участкада белгилаган чегара чизиғига тўғри келмайди, чунки бу территория Югославиянинг анча ичкарисига киради ва Кобардадан тортиб Плавнягача Сочи дар'ёси водиси (Изонцо)ни хавф остида қолдиради. Словенлар аҳолиси руж бўлиб яшаган шу территорияни Югославияга қўшиш адолатли бир чора бўлишига қарамай, Югославия ҳукумати ўзаро келишиб, қарор қабул қилишга интилганлиги сабабли кўп қурбон беришга рози бўлади ва бу территориянинг учдан бир қисминигина Югославияга қўшиш ҳақидаги талаби блан чеклайди.

Бенеш Словениясининг шарқий қисмини Югославияга топшириш—Югославия территориясининг анча ичкарисига кирадиган ерни унга қўшиб юбориш имконини беради.

ИТАЛИЯ—ЮГОСЛАВИЯ ЧЕГАРАСИДАГИ ЖАНЖАЛЛИ УЧАСТКАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

ПАРИЖ, 11 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссия Италия—Югославия чегарасидаги жанжалли участкаларни муҳокама қилишни давом эттирмоқда. Югославия вакили Беблер шундан аввалги ҳар икки мажлисда Югославиянинг Каналь ва Бенеш Словенияси, я'ни Венеция Словенияси деб аталган районларда ана шу чегарани тўғрилаш ҳақидаги таклифларни асослади.

УКРАИНА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЮГОСЛАВИЯНИНГ ТАКЛИФИНИ ҚУВВАТЛАЙДИ

Комиссиянинг бугунги мажлисида Украина делегациясининг вакили Петровский чиқиб сўзлади. У, Югославия ҳукумати томонидан Бенеш Словениясининг бир қисмини Югославияга топшириш тўғрисида келтирилган далилларнинг муҳимлигини та'кидлади.

Бу территорияда словенлар яшаётганлиги шубҳасиздир. Бу ерда неча ўн минглаб словен бор, итальянларни эса, йўқ деса бўлади. Италия ҳукуматининг расмий суратда ўтказган рўйхатлари ҳам буни исбот қилди. Тарихий далиллар ҳам бу ер Югославияники эканлигини кўрсатади. Бенеш Словениясининг аҳолиси ўзининг миллий словен маданиятини, ўз тилини, ўз урф-одатларини сақлаш учун асрлар бўйи курашиб келди. Словен аҳолиси Югославия халқларининг Италия империализмига қарши олиб борган озодлик курашида қатнашди.

Украина делегациясининг вакили Белоруссия делегациясининг таклифини қувватлади. Белоруссия делегацияси Бенеш Словениясининг шарқий қисмини Югославия ерига қўшишни талаб этади.

Петровский бундай деди: «Дуруст, шундай бўлганда ҳам, 20 мингга яқин словен Италия ҳукмронлигида қолади. Ана шу словенларнинг ҳам ўз ватанига қўшилишлари учун имкон берилса яхши бўлар эди. Аммо, Белоруссия делегацияси таклиф этган чегара чизиғи француз делегацияси таклиф этган чегара чизиғига қараганда, адолатлироқ бир йўлдир».

ГОРИЦА ШАҲРИНИНГ ТАҚДИРИ ТЎҒРИСИДА

Шундан кейин Югославия вакили Беблер Югославия ҳукуматининг Горица шаҳри районини ва унинг атрофидаги ерларни Югославияга топшириш ҳақидаги таклифини асослашга киришди. У, француз делегацияси томонидан шу участкада белгиланган чегара чизиғини ғоят катта адолатсизлик деб та'бирлади.

Горица шаҳрида 30 минг киши яшайди. Горица бир хил номдаги Словен областининг ма'мурий, иқтисодий ва маданий марказидир. Горицанинг номи словенчадир: қадимги словен тилида горица узум демакдир. Бу шаҳар минг йиллик тарихи мобайнида ҳеч қачон Венеция республикасига ҳам, Италияга ҳам мансуб бўлмаган. Биринчи жаҳон урушидан кейингина Раппалода адолатсизлик блан тузилган битимга мувофиқ Горица Италия ихтиёрига топширилган эди.

Юлия ўлкаси тоғлиқ жойдир. Сочи ва Випава дар'ёлари қўшилган жойдагина кенг води бўлиб, ана шу ўлканинг бирдан-бир шаҳри бўлмиш Горица шу водида ўсди. Бу ерда Юлия ўлкасининг темир йўли бор, тош йўлларнинг ҳаммаси шу йўлга келиб туташади. Шуниси қизиқки, француз делегациясининг белгилаган чегара чизиғи ё шаҳарнинг атрофидан кесиб ўтади, ёки Горицага олиб келадиган тўққизта катта тош йўлдан олтитасининг яқинидан кесиб ўтади. Конференция ана шу чегара чизиғини ма'қуллаганида, Горица саноати Юлия ўлкасидан олинадиган хомаш'ёлардан маҳрум бўлур эди. Горица бозори ўзининг асосий вазифасини бажаролмаган бўлур эди—словенлар эртапишар мевалари ва узумларини Горица орқали чет эл бозорларига олиб чиқиб сотадилар.

Югославия вакили айтдики, Горица биринчи жаҳон урушидан аввал Словениянинг маданий маркази эди. Бу ерда словен тилида уч газета чиқар эди, словен мактаблари, нашриёт ва театр ишлаб турар эди.

«Бу шаҳарни Юлия ўлкасидан ажратиб олиб, Италияга топшириш учун қандай зарурат бор? — деб сўрайди, Беблер. — Бу шаҳарда итальянлар яшайди, шу сабабдан уни Югославияга қўшиб бўлмайди, деб айтадилар. Шуниси қизиқки, этник далиллар бу шаҳарни Югославияники эканлигини исбот қилган вақтда бундай далилларга э'тибор қилмайдилар. Аммо, этник далиллар бирор жойнинг Италияга мансуб бўлишини исбот қиладиган бўлса бундай далилларни кўпроқ асос қилиб оладилар».

Беблер Горица районида Австро-Венгрия ҳукмронлиги даврида, сўнгра Италия ҳукмронлиги даврида ўтказилган рўйхат ма'лумотлари тўғрисида гапириб, бу рўйхатларнинг ғаразли тарзда эканлигини та'кидлайди. Аммо, шуниси қизиқки, 1910 йилда австриялилар томонидан ўтказилган рўйхат Горицада ўша вақтда аҳолининг 48 процентигина итальянлар бўлганини кўрсатади. Аммо, шаҳарда итальянлар словенларга қараганда бирмунча кўпроқ деб ҳисоблаганда ҳам, итальянларнинг ана шу гуруҳи словенлар ерларида озчиликни ташкил этган миллий гуруҳ эканлиги блан ҳисоблашмай бўлмайди.

Беблер сўзини давом эттириб бундай деди: «14 минг итальянни Югославия ихтиёрига ўтишдан «қутқазиб қолиш» учун Горицада ва унинг атрофида яшовчи 19.400 словенни Италия ихтиёрига топшириш зарур деб ҳисоблайдилар. Югославияга ва Горицанинг ўзига шундай қараш муносибми?».

Беблер итальян ва немис фашистларига қарши курашда Горица аҳолисининг актив қатнашганлиги ҳақида гапириб, немис фашистларининг «Фелькшер беобахтер» газетасида 1943 йил 1 октябрьда босилиб чиққан ғалати бир мақоладан парчалар ўқиб беради. Бу мақолада ўша йилнинг сентябрь ойида Горицада шиддатли жанглар бўлганлиги ҳақида гапирилади. Немислар словен партизанлари немис гарнизонини оғир аҳволда қолдирганларини ва СС қўшинлари ҳамда бошқа қўшилмалардан иборат кучли мадад етиб келганидан кейингина итальян-герман фашистлари Горицада вақтинча жойлашиб олганликларини э'тироф қилган эдилар.

Горицани озод қилиш йўлидаги жангларда минг-минглаб словен партизанлари ҳалок бўлди.

Словенлар қон тўкиб, озодликка эришганларидан кейин, Горица районини Италияга қайтариб беришни, область марказини Юлия ўлкасидан ажратиб қўйишни, словенлар яшовчи бутун бир областьни раҳбарликсиз қолдиришни ва Горицани таназзулга дучор қилишни таклиф этадилар.

Югославия делегацияси француз делегацияси белгилаган чегара чизиғига қарши қат'ий э'тироз билдиради. Француз делегациясининг бу чегара чизиғи Югославиянинг этник территориясидан миллатлар аралашиб яшаган Горица шаҳрини унинг ғарби ва жанубида жойлашган соф словен қишлоқлари блан бирга ажратиб олади.

Беблердан кейин сўзга чиққан Чехословакия ва Польша вакиллари бу э'тирозларни қувватладилар ва Югославия делегацияси келтирган далиллар асосли эканлигини айтдилар.

✦

Бугунги мажлисда Чехословакия вакили Италия—Югославия чегарасига доир турли лойиҳаларни қараб чиқиш учун кичик комиссия тузиш тўғрисидаги масалани яна кўтарди. Польша ва Бразилия вакиллари бу таклифни қувватладилар, аммо, Америка Қўшма Штатлари, Австралия ва Жанубий Африка Иттифоқи вакиллари бу таклифга қарши чиқдилар. Югославия вакили Италия—Югославия чегарасидаги жанжалли участкалар тўғрисида ўз далилларини айтиб бўлгунига қадар Чехословакия делегациясининг таклифини муҳокама қилмасликка қарор қилинди.

ЮРИДИК ВА ТАҲРИР КОМИССИЯСИДА АВСТРАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЯНА БИР ТАКЛИФИ ПУЧГА ЧИҚДИ

ПАРИЖ, 11 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Сулҳ конференциясининг юридик ва таҳрир комиссияси уч мажлисда Австралия делегациясининг таклифини муҳокама қилди. Австралия делегациясининг таклифи инглиз-америка матбуотининг муайян бир қисми томонидан кенг мақталган эди. Гап, «кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Европа суди» деб аталган «суд» тўғрисидаги таклиф ҳақида боради.

Австралия делегациясининг таклифи мазкур лойиҳанинг иғвогарлик мақсадида тақдим этилганлигини ва унинг демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги чин ғамхўрлик блан ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини кўрсатади. Даставвал, Австралия делегацияси бу суднинг иш доирасини Европа территорияси блан чеклашни таклиф этди. Сўнгра, у Трибуналга айрим давлатларнинг мустақиллигига сра тўғри келмайдиган ҳуқуқлар беришни таклиф қилди. Айрим давлатлар зиммасига мазкур «суд»нинг ҳамма қарорларини сўзсиз бажариш вазифаси юклатиши блан бирга, уларнинг ҳамма қонунларини ана шу «суд»нинг қарорларига мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Австралия делегациясининг таклифи Финляндияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссиядан юридик ва таҳрир комиссиясига топширилган эди. Совет делегацияси ўша вақтдаёқ бу лойиҳани рад этишни таклиф қилган эди. Аммо, Финляндияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссия а'золарининг ярми бу лойиҳани юридик ва таҳрир комиссиясига топширишни ёқлаб овоз берган эди.

Бу ҳол Австралия делегациясининг вакилига ўзининг иғвогарликдан иборат таклифини яна ҳимоя қилиб чиқишига имкон берди. Аммо, янги комиссияда ҳам Австралия лойиҳаси ўзига тарафдорлар тополмади. СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Югославия, Белоруссия, Бельгия вакиллари Австралия делегациясининг таклифи Сулҳ конференцияси комиссиясининг вазифаси эмаслигини та'кидладилар.

Греция вакили Австралия делегациясига ёрдам беришни истаб, конференция бу масалани «Бирлашган миллатлар ташкилотининг тегишли органлари» қарамоғига топширсин деб тавсия этишни таклиф қилди. Австралия делегацияси дарҳол бу таклифни қувватлади. Аммо, совет делегацияси бу таклифга қат'иян қарши чиқди. Совет делегацияси масаланинг бу томонини кўриб чиқишга комиссия умуман ҳақли эмас, деди. Шундан кейин комиссия Австралия делегациясининг таклифини рад этди.

Австралия делегациясини ҳеч ким қувватламаганидан кейин у Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг кириш қисмига таклиф этган таҳририй тузатишини қайтиб олди.

Сўнгра, комиссия Франция-Италия чегарасини тасвирловчи ҳужжатни қараб чиқиш учун кичик комитет тузди. Бу комитетга СССР, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Бразилия, Чехословакия, Янги Зеландия ва Норвегия вакиллари а'зо бўлиб кирдилар.

БУЛҒОРИЯГА ДОИР СИЁСИЙ ВА ТЕРРИТОРИЯ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 11 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Греция-Булғория чегараси тўғрисидаги масала Сулҳ конференцияси олдида турган энг муҳим масалаларнинг биридир. Халқларнинг манфаатлари, тинчлик манфаатлари блан ҳисоблашмай ўз айтганларини таклиф қилишга интилаётган муайян доираларнинг тутган йўли ана шундай муҳим масалаларда тамомила яққол кўринади.

Совет делегацияси ўз баёнотида Булғориянинг Ғарбий Фракияга нисбатан бўлган қонуний ҳуқуқини ва Булғориянинг иқтисодий манфаатларини кўзда тутиб, Эгей денгизига олиб чиқадиган йўлдан фойдаланиш ҳуқуқини э'тироф қилганлиги ҳақида хабар берган эди.

Булғорияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссияда бу масала муҳокама қилинган вақтда Белоруссия вакили Бондарь ҳам Булғориянинг таклифини қувватлади. Бондарь айтдики, Ғарбий Фракия азалдан Булғория еридир. Ғарбий Фракияни даставвал рус қўшинлари турклар зулмидан озод қилган эдилар, шундан кейин булғорларнинг ўзлари иккинчи марта озод қилган эдилар. Бондарь Греция вакилининг чегарани Булғория ҳисобидан «тўғрилаш» ҳақидаги да'волари ҳозирги Греция ҳукуматининг ўзгалар ерини босиб олишдан иборат сиёсатини ифода қилади деб, та'кидлади.

Украина делегацияси ҳам бу фикрни қувватлади.

Совет Украинасининг вакили Касименко ўз нутқида айтдики, «Греция делегациясининг Греция-Булғория чегарасини «тўғрилаш» тўғрисидаги таклифига асос қилиб олган принциплар урушга тайёргарлик кўриш принципларидир». Югославия вакиллари ҳам Булғория делегациясининг таклифини қувватладилар.

Греция вакили Пипинелис факт ва ҳужжатлар блан исбот қилинган нарсани инкор этиш мумкин бўлмаса ҳам, Булғория делегациясининг адолатли таклифини рад этишга зўр бериб уриниб кўрди. Лекин шундай бўлса ҳам грекларнинг актив ҳомийлари топилиб қолди.

Жанубий Африка Иттифоқи, Буюк Британия ва Австралия вакиллари Грециянинг да'воларини қувватладилар, бу табиий бир ҳол эди.

Буюк Британия вакили Уорнер ҳеч суриштирмай айтдики, Грециянинг Булғория территориясидан бир қисмини олиш ҳақидаги да'волари адолатлидир ва «стратегик» мулоҳазаларнинг бу да'воларга асос қилиб олиниши гўё ўринлидир.

Австралия вакилининг сўзида ҳечқандай мантиқ йўқ эди. У Грециянинг таклифи жуда ҳам умумий тарзда баён қилинганлигини ва бу таклифда конкрет асослар йўқлигини э'тироф қилди. «Аммо, шундай бўлса ҳам, биз бу таклифни қувватлаймиз», деди Австралия вакили.

Шу фактнинг ўзи Австралия вакилининг бу масалада адолатни тиклаш манфаатларига эмас, балки Грецияни ўз қўлида маҳкам ушлаб қолишга интилаётган Британия империясининг манфаатларига амал қилганлигини кўрсатади.

Америка Қўшма Штатларининг вакили бугун сўзга чиқиб, Грециянинг таклифига хайриҳоҳлик блан қараганлигини айтди, аммо, у Грециянинг ер ҳақидаги да'волари масаласида ўз йўлини аниқ баён қилиб бермайди.

Франция делегациясининг вакили Грециянинг ер ҳақидаги да'воларини ма'қулламади. Франция вакили бундай деди: «Грециянинг да'волари қондирилса, бу ҳол Греция блан Булғория ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборган бўлур ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига ёрдам бермаган бўлур эди». Лекин шундай бўлса ҳам, ҳеч нарсага асосланмагани ҳолда Греция делегациясининг «стратегик» мулоҳазаларини ҳарбий экспертларнинг муҳокамасига топшириш керак, деди.

ВЕНГРИЯГА ДОИР СИЁСИЙ ВА ТЕРРИТОРИЯ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

ПАРИЖ, 11 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Венгрияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссия Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг биринчи моддаларини қараб чиқмоқда. Комиссия бундан аввалги мажлисида Чехословакия делегациясининг Братислава районида Венгрия-Чехословакия чегарасини бирмунча тўғрилаш ҳақидаги таклифини муҳокама қилган эди. Чехословакия вакили Клементис ўз таклифини асослаб айтдики, бунда гап, ер талаб қилиш ҳақида эмас, балки Словакия пойтахти Братислава учун катта аҳамиятга эга бўлган чегарани бирмунча ўзгартириш тўғрисидагина бораётир.

Талаб қилинаётган районнинг Чехословакияга берилиши ана шу тез ўсиб бораётган шаҳарнинг Дунай дар'ёсининг ўнг қирғоғини ўз доирасига олиш учун имкон берган бўлур эди; Дунайнинг ўнг қирғоғи ҳозирги вақтда Братиславанинг ривожланишига имкон берадиган бирданбир керакли жойдир. Бунда гап Венгриянинг аҳоли яшайдиган бешта кичкина пункти тўғрисида бораётир, бу ерларда 5.523 киши яшайди, буларнинг 75 процентдан ортиғи славянлардир. Бу район Венгрия учун иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эмас — бу ерда ҳеч қандай саноат йўқ.

Югославия ва Украина вакиллари Чехословакия делегациясининг таклифини қувватладилар. Улар Чехословакиянинг талаби тамомила асосли талаб деб айтдилар. Совет Иттифоқи вакили Б. Новиков айтдики, совет делегацияси Чехословакия блан Венгрия ўртасидаги муносабатларга доир ба'зи масалаларни ҳал этишга хайриҳоҳлик блан қарайди; Братислава районидаги чегарани бирмунча тўғрилаш шундай масалаларнинг биридир.

Америка Қўшма Штатларининг вакили Чехословакия делегацияси келтирган кўп далиллар э'тиборга лойиқ деб э'тироф қилди, лекин шунга қарамай, у чегарани бирмунча тўғрилаш ҳақидаги масалани катта сиёсий масала блан, я'ни Чехословакиядан 200 минг венгрни кўчириш масаласи блан боғлади. У ана шу ҳар икки масала бир вақт ичида муҳокама қилинсин деб, талаб этди. Венгрларни Чехословакиядан кўчириш масаласига келганда, Америка Қўшма Штатларининг вакили Америка делегацияси ана шундай кўчириш ҳақидаги моддаларни шартномага киргизишга қарши эканлигини билдирди.

СССР ва Чехословакия вакиллари комиссиянинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган ана шу икки масалани бир вақтда қараб чиқишига қарши э'тироз билдирдилар. Узоқ мунозарадан кейин кичик комитет тузилди. Бу комитетга Чехословакиянинг Венгрия-Чехословакия чегарасини бирмунча ўзгартириш тўғрисидаги таклифини қараб чиқиш топширилди. Бу кичик комитет кеча ўз ишига киришди.

АВСТРАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТУЗАТИШЛАРИ ЯНА РАД ЭТИЛДИ

Комиссиянинг бугунги мажлиси Австралия делегациясининг тузатишларини муҳокама қилиш блан ўтди дейиш мумкин. Австралия делегациясининг тузатишлари бошқа комиссияларда муҳокама қилинган эди, бу тузатишлар мазкур комиссияларнинг ҳам кўп вақтини олган эди. Узоқ давом этган мунозаралар натижасида бу тузатишлар рад этилган эди. СССР ва Белоруссия вакиллари бугунги мажлисда Австралия делегациясининг тузатишлари Венгриянинг мустақиллигини камситади, деб яна очиқ айтганларидан кейингина Австралия вакили ўз тузатишларидан бирини қайтиб олишга рози бўлди. Аммо, Австралия делегацияси бирор территорияни ўз ихтиёрига оладиган давлат ана шу территорияларда яшовчи барча кишиларга асосий ҳуқуқларнинг берилишини та'минлаш учун чора кўриш керак деган махсус моддани қўшишни талаб эта берди. Юзаки қараганда бирмунча дуруст бўлиб кўринган бу таклиф ҳақиқатда бошқа мақсадларни кўзда тутади, бу мақсадларнинг майда миллатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш блан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасида гап, Чехословакиядан тортиб олиниб, 1940 йилдаги Вена арбитражи асосида Венгрияга берилган ва эндиликда ўзининг қонуний эгасига қайтарилаётган территория ҳақидагина бораётир. Австралия делегациясининг таклифидан мақсад — енгилган мамлакатда гўё иттифоқчи бўлмиш демократик Чехословакия ўз юртидаги гражданларнинг ҳуқуқларини та'мин этолмайди деган таассурот туғдиришдир. Бундай таклифни қабул қилиш — илгариги душман мамлакатлардаги тескаричи унсурларга далда бериш, мазкур мамлакатларда ревизия қилиш майлларини кучайтириш демакдир. Чехословакия ва Югославия вакиллари ана шу тўғрида гапирдилар.

Чехословакия вакили Австралия делегациясининг таклифидан ғазабланганлигини айтди ва гап, Чехословакиянинг ажралмас бир қисми бўлмиш территория тўғрисида бораётганлиги сабабли, Австралия делегациясининг бу таклифини Чехословакияга нисбатан дўстларча муно-

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Париж Сулҳ Конференциясида

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

сабабга бўлмаслик деб биламан, деди. У Чехословакия делегацияси номидан, Австралия делегациясининг тузатишини муҳокама қилиб ўтирмай, рад этишни таклиф қилди. Совет Иттифоқи вакили ҳам Чехословакия делегациясининг таклифини қувватлади.

Англия вакили Австралия делегациясининг тузатишини бошқа вақтда муҳокама қилишни таклиф этди. Америка Қўшма Штатлари ва Австралия вакиллари унинг бу таклифини қувватладилар. Австралия вакили Стерлинг чалкаш таклифларида чувалашиб қолиб, менинг тузатишим бериладиган территориягами ёки қайтариладиган территорияга тааллуқли эканлигини аниқ билмайман, деди. У «Экспертлар блан маслаҳатлашиб олмоғи керак», деди.

СССР ва Чехословакия вакиллари Австралия делегацияси таклифининг муҳокама қилинишини ҳаркандай йўллар блан кечиктиришга қатъий қарши чиқдилар. Овозга қўйиш натижасида Англия делегациясининг таклифи рад этилди.

Шундан кейинги мунозара натижасида Австралия делегациясининг тузатиши ҳам рад этилди. Австралия делегациясининг ўзигина бу тузатишни ёқлаб овоз берди.

ИТАЛИЯДАН ОЛИНАДИГАН РЕПАРАЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

ПАРИЖ, 12 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир иқтисодий масалаларни кўрувчи комиссияда Италия ҳукуматига репарация талабларини қўймаган давлатларнинг вакиллари чиқиб сўзладилар. Канада, Жанубий Африка Иттифоқи, Ҳиндистон, Австралия ва Хитой вакиллари умумий тарзда гапирдилар. Бу нотиқларнинг кўпчилиги Италияга нисбатан раҳмдил бўлишга чақирди. Аммо, бу гаплар уларнинг Италияга нисбатан «ҳарбий талаблари» ни қондириш учун сулҳ шартномаси лойиҳасининг 69-ичи моддасида айтилишича, ўз мамлакатлари территориясидаги итальян мулкларини ўз ҳукуматларимиз «олиш, ушлаб қолиш, йўқ қилиш» ҳуқуқини сақлаб қоладилар деб айтишларига халақит бермади.

Америка Қўшма Штатларининг вакили катта нутқ сўзлади. Унинг нутқи Италия ҳукуматига нисбатан ҳомийлик ҳамлидан иборат эди. У менинг ҳисобимча, Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаражатлари 335 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бундан 20 миллиард доллари яқин маблағ Италияга қарши ҳарбий кампания олиб боришга сарф қилинган эди деб айтса ҳам, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Италиядан репарациялар талаб қилмайди, деди.

Аммо, Италия оккупациясидан зарар кўрган давлатларга репарация ҳақларини тўлашдан батамом воз кечиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, Америка Қўшма Штатларининг вакили ҳамма давлатларнинг ҳам репарация ҳақларидан воз кечолмаслигини тушунаман, деди. Америка Қўшма Штатларининг репарация ҳақларидан воз кечиши шубҳасиз намойишкорона бир сиёсатдир, чунки, Америка Қўшма Штатларининг территорияси душман қуролли кучлари томонидан босиб олинмаганлиги ва Америка экономикаси урушдан зарар кўриш уёқда турсин, балки аксинча, шу йиллар ичида анча ривожланганлиги ҳам маълум.

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Шундан кейин мажлис залига Италия делегацияси чақирилди. Комиссия Италия делегациясига Италияга нисбатан қўйилган репарация талаблари ҳақида ўз фикрини айтиш имконини берди.

Шуни айтиш керакки, Италия делегациясининг бу баёнотида Италия қўшинларининг босиб олинган мамлакатларда қилган вайронгарчиликлари учун Италиянинг жавобгар эканлиги етарли даражада эътироф қилинмади. Баёнотни ўқиб берган киши яна шу жавобгарлик тўғрисида бир оз сўзлаб ўтди. У Италия ҳукумати умуман репарациялар тўлашга тўғри келади деб ўйламаган эди, кейинчалик ўзига эп кўрди.

Италия вакили турли мамлакатлар томонидан Италия олдига қўйилган талабларни таҳлил этиб, эътиборга лойиқ бўлган бирқанча муҳим мулоҳазаларни сўзлади. У айтдики, 64-ичи модданинг СССР фойдасига бериладиган репарацияларни белгиловчи биринчи бобида репарациялар Италиянинг экономикасини қайтадан қуришга халақит бермаслиги лозим деган принцип қўйилади. Италия вакили сўзида давом этиб, бундай деди: баъзи давлатлар, жумладан Югославия репарациялар ҳақидаги даъволарини белгилашда ана шу принципга амал қилдилар. Аммо, бошқа давлатлар тамомила бошқача йўлдан бордилар. улар ўз талаблари учун 64-ичи моддагина эмас, балки иттифоқчи ва бирлашган давлатлар территориясида бўлган итальян мол-мулкларига тааллуқли 69-ичи моддани ҳам асос қилиб олдилар.

Италия вакили мазкур давлатлар ўз территорияларида бўлган Италия мол-мулкидан репарациялар сифатида тортиб олиб, улардан ҳеч контрольсиз фойдаланиш ҳуқуқи берилишини талаб қилмоқдалар, деб таъкидлади. Бунинг устига бу мамлакатларнинг вакиллари кўрган зарарларнинг миқдорини белгилаш ёки исбот қилишга ҳамда ўз талабларининг миқдорини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилмадилар. Италия вакили Франция ва Бразилиянинг баёнотларини шундай даъволарга мисол қилиб кўрсатди. Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларининг ҳукуматлари чет эллардаги итальян маблағларининг талайгина қисмидан назоратсиз фойдаланишни даъво қилган бўлсалар ҳам, Италия вакилининг мазкур ҳукуматларнинг шунга ўхшаш даъволари ҳақида бир сўз ҳам айтмаганлиги кўзга ташланар эди. Бунинг устига, Италия вакили Буюк Британиянинг «мўътадил талаблари» учун унга ташаккур изҳор қилишни лозим деб билди ва қўрқа-писа гапириб, «Италия блан Буюк Британия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар учун итальян мулкларининг катта аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олинади» деб ишонч билдириш блан чекланди.

Шундан кейин, Италия вакили айтдики, Италия блан ҳатто уруш ҳолатида бўлмаган ва Италия уларга қарши ҳеч қачон урушмаган мамлакатлар ҳам хоҳиш фуқароларига тасодифан етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлашни талаб қилмоқдалар, ҳатто нарх-наволардаги фарқларни ҳисобга олиб, процентлар блан тўлашни талаб қилмоқдалар. Италия вакили Бельгия, Мексика ва Голландия шундай даъволарни қўйди, деди.

Италия делегациясининг фикрича, репарация ҳақларини белгилаган вақтда сулҳ шартномаси лойиҳасида СССРга нисбатан кўрсатилган принципга амал қилмоқ зарур. Бу принципга мувофиқ, барча мамлакатлар уларга етказилган зарарлар ҳақида аниқ маълумот топширишлари ва талаб қилаётган репарация ҳақларининг миқдорини кўрсатиб беришлари керак. Етказилган зарарлар қисман ундириб олиниши керак.

Италия вакили Италия Ҳабашистон ва Албания томонидан репарациялар масаласида қўйилган талабларнинг рад этилишини сўрайди деди. Италия вакили бу мамлакатларга «жаҳон уруши бошланишидан аввал» зарар етказилган эди ва Италия гўё, бу икки мамлакатнинг экономикасига кўп маблағ сарф қилган эди, деган ғалати далилни келтирди.

Италия вакили сўзининг охирида Италия экономикасининг ҳозирги аҳволи жуда оғир эканлигини кўрсатди ва Италияда бирнеча ойдан буён икки ярим миллион ишсиз борлигини айтди. Гарчи, заводлар ҳисобида бўлса ҳам шу вақтгача иш блан таъминланмаган ярим миллион ишчини ҳам шу ҳисобга қўшиш керак. Италия делегацияси Греция вакилининг Италия репарациялар ҳисобидан четдан олинадиган маҳсулотларни (олтингугурт, симоб, цитрус) топширсин деб қилган талабига қарши эътироз билдириб, айтдики, бу ҳолда Италиянинг тўлов балансидаги зарарни жуда ҳам ошириб юборган бўлур эди. Бу зарар 1947 йилдаёқ 700—800 миллион долларга етади.

Италия делегацияси юқорида айтилганларга биноан иттифоқчи ва бирлашган давлатларга мурожаат қилиб, қарор чиқарган вақтларида Италиянинг қуйидаги истакларини эътиборга олишни сўради:

1) Репарация ҳақлари итальян армиясининг уруш ҳаракатлари натижасида бевосита катта зарар кўрган мамлакатлардагина тўлансин;

2) баъзи мамлакатларнинг репарация талаблари рад этилсин. Италия бу мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига шу даража ёрдам бердики, бу ёрдам уларга етказилган зарарни тўла равишда қоплай олади;

3) сулҳ шартномаси лойиҳасидаги 64-ичи моддадан ташқари бошқа иқтисодий моддаларни уларда кўзда тутилган чекланган мажбуриятлар провардида репарациялар тўлаш мажбуриятига айлантирилсин деган тарзда тушунишга йўл қўйилмасин;

4) ҳарбир мамлакатнинг олишга ҳақи бўлган репарациялар миқдори аниқ кўрсатилсин. Репарацияларнинг умумий миқдори 200 — 300 миллион доллар миқдорида бўлиши керак;

5) ҳарбир мамлакатга репарациялар тўлаш усуллари аниқ белгилансин, кўпроқ саноат моллари етказиб бериш кўзда тутилсин, шу блан бирга ҳарбир ҳолда Италияни зарур хомашё блан таъминлаш кўзда тутилсин.

Ниҳоят, Италия делегацияси репарация ҳақларини тўлашда узоқ муҳлат берилишини ва Италиянинг ўз хўжалигини қайтадан қуриб олганига қадар унга бешйиллик муҳлат берилишини талаб қилади.

Масалани шу тарзда қўйиш Италия агрессорлари ҳужум қилган мамлакатларда уларнинг қилган вайронгарчиликлари учун Италиянинг тўла жавобгар эканлигини эътироф қилишни истамасликдан бошқа бир нарса эмас. Зарар кўрган мамлакатлар ўз экономикасини аҳалли қисман бўлса ҳам тиклаб олиши учун репарациялар олиш кераклиги равшан эмасми? Бу мамлакатлардаги халқларни ўз юртларини вайрон қилган Италиянинг урушдан аввалги аҳволини тиклашини кутиб туришга мажбур қилиш беҳисоб адолатсизлик бўлур эди.

Комиссия томонидан тузилган кичик комитет турли мамлакатлар талаб қилаётган суммалар ҳақидаги маълумотларни топширганидан кейин, Италиядан олинадиган репарациялар масаласини муҳокама қилиш давом эттирилади.

ИТАЛИЯ-ЮГОСЛАВИЯ ЧЕГАРАСИДАГИ ЖАНЖАЛЛИ УЧАСТКАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

ПАРИЖ, 12 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўрувчи комиссия бугун ўз ишларининг бир қисмини тамомлади. Италия блан Югославия ўртасидаги чегарага доир таклиф ва тузатишлар батамом қараб чиқилди. Комиссиянинг эътибори чегара чизиғи ҳақидаги беш лойиҳага жалб этилганлиги маълум. Ташқи ишлар министрлари кенгашида француз делегацияси тақдим этган чегара чизиғига асосланиб, қабул қилинган лойиҳадан ташқари Югославия, Белоруссия, Бразилия ва Жанубий Африка Иттифоқи делегациялари ҳам ўз лойиҳаларини топширдилар. Югославия делегацияси аҳолисининг кўпчилиги словенлар бўлган районларни Югославияга қўшишни талаб қилади. Белоруссия делегациясининг лойиҳаси миллий принципни асос қилиб олади ва азалда словенларники бўлган ерларни Югославияга қайтариб беришни кўзда тутади.

Бразилия делегациясининг лойиҳаси ана шу адолатли принципга тамомила зиддир. Бразилия делегацияси ҳеч асос келтирмай, словенлар яшовчи катта районлар ҳам Италия ихтиёрига топширилсин, шунингдек Эркин Триест территорияси словен ерлари ҳисобидан кенгайтирилсин, деб талаб қилади. Жанубий Африка Иттифоқи делегациясининг лойиҳаси эса асосан француз делегацияси кўрсатган чегара чизиғига тўғри келади, аммо, бу делегация ҳам Эркин Триест территориясини Югославия ери ҳисобидан кенгайтиришни талаб қилади.

Бу лойиҳаларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш вақтида уларни тузган делегацияларнинг ўз таклифларини асосли суратда қувватловчи далиллар келтириш учун имконият берилди. Шундан кейин комиссия аъзоларига ана шу лойиҳалар тўғрисида ўз фикрларини айтиш таклиф қилинди. Хўш, провардида нима бўлди? Югославия халқининг қонуний талабларини қондиришни кўп марта ёқлаб гапирган делегацияларнинг муайян бир гуруҳи комиссияларда ҳам ўз фикрларини айтишни ўз бурчи деб билгани ҳолда ўзларини доим кичик халқларни ҳимоячилари қилиб кўрсатган бошқа делегациялар шу кунларда жим қолдилар. Австралия, Янги Зеландия, Голландия вакиллари ва бошқа баъзи мамлакатларнинг вакиллари ҳар сафар ўринли-ўринсиз гапириб келган эдилар. Уларнинг бу жўшқинлиги қаерда қолди! Раис сўз олишни истаган кишилар борми, деб сўраганида, гўё гап, эътиборга сазовор бўлмаган майда-чуйда ишлар тўғрисида бораётгандек, улар бунга жавоб қайтаришни ҳам ўз бурчлари деб ҳисобламадилар.

Вакилларнинг муайян бир гуруҳи овоз бериш натижаларини кўзда тутиб, кўтарилган масалалар тўғрисида чиқиб сўзлашни ортиқча бир иш деб билса керак ва бу масалалар юзасидан келишув йўлини қилираётган бўлса керак.

✦

Бугунги мажлис Югославия вакили Беблернинг сўзи блан бошланди. Беблер Югославия делегациясининг тўртинчи жанжалли участка, яъни Тржич (Монфальконе) районии ҳақидаги таклифини асослади. Бу районда итальян аҳолиси бирмунча кўп. Итальян аҳолиси Юлия ўлкасида майда миллатни ташкил этади. Ана шу майда миллатнинг кўпчилигини ташкил этган словенлар блан алоқалари неча ўн йиллар мобайнида кучайди ва мустаҳкамланди. Тржич Юлия ўлкаси ғарби-жанубий қисмининг иқтисодий марказидир. Тржичнинг ўзида кўпгина словенлар яшайди ва ишлайди. Тржични соф словен районларидан ажратиб олиш нотўғри бўлур эди. Шу нарса муҳимки, 1910 йилдан тортиб, 1936 йилгача бўлган даврда бу шаҳарнинг аҳолиси словенлар ҳисобидан қарийб икки марта кўпайди.

Аммо, Чехословакия делегациясининг Италия-Югославия чегарасидаги жанжалли участкалар тўғрисида киргизилган таклифларни қараб чиқиш учун кичик комитет тузиш ҳақидаги таклифи кўпчилик икки овоз блангина рад этилди.

КИСЕЛЁВ СЎЗИ

Белоруссия делегациясининг бошлиғи Киселёв ўз сўзида Белоруссия делегацияси томонидан киргизилган тузатишларни қувватлаб, Белоруссия делегацияси таклиф этган чегара чизиғи учун миллий принцип асос қилиб олинганлигини айтди. Белоруссия делегацияси Француз делегацияси тақдим этган чегара чизиғини қониқарли эмас деб ҳисоблайди, чунки бу чизиқ словенлар яшовчи территорияни, жумладан бутун Бенеш Словениясини Италия ихтиёрига топширади. Италия ҳукуматининг 1921 йилда ўтказган рўйхатига қараганда, Бенеш Словениясида 30.904 словен ва атиги 1.294 итальян яшар эди.

Бенеш словенлари—тоғларда яшовчи ҳурриятпарвар қабилалар. Бу қабила асрлар бўйи мухториятини сақлаб келди. Итальян фашистлари бу областьни босиб олганларидан кейин, унинг аҳолисини мажбуран итальянлаштиришга уриндилар. Аммо, итальян фашистлари словенларнинг миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатларини йўқотолмадилар. Бенеш Словениясининг аҳолиси 1943 йил кўклам фаслида қўзғолон қилди ва қон тўкиб эришган озодлигини шу урушнинг охиригача қўшинларга қарши курашда сақлаб қолди. Аммо, Бенеш Словениясининг аҳолиси яна итальянлар ҳукмронлиги ва фашист шайкаларининг террори остида қолди.

Белоруссия делегацияси таклиф этган чегара чизиғи миллий принципга сра ҳам тўла жавоб беролмайди, чунки бу чегаранинг ғарб томонида ҳали яна 19 мингдан ортиқ словен қолади. Лекин шундай бўлса ҳам бу чегара чизиғи француз делегацияси таклиф этган чегара чизиғидан адолатлироқдир, чунки бу чегара чизиғи Сочи дарёси водийсида Кобариддан тортиб Плавнигача кирган чўзиқ доирани кесиб қўяди ва 15 минг словенни Югославия томонига ўтказади. Бу территория шарқ томондаги территория блан маҳкам боғланган.

Белоруссия делегацияси Горица шаҳри ва унга туташ бўлган словен қишлоқлари тамомила Югославия ихтиёрига топширилсин деб талаб қилади. Киселёв айтадики, Горица шаҳри соф итальянлар шаҳри бўлмай, унинг халқи қурамадир. Аммо, француз делегацияси кўрсатган чегара чизиғи блан Белоруссия делегацияси кўрсатган чегара чизиғи ўртасидаги ерларда 8341 киши яшайди, булардан 7767 таси словен ва атиги 570 таси итальяндир.

Ниҳоят Белоруссия делегацияси Триестдан тортиб, Италия томонга қарата сунъий бир доира ажратиш ва Триестдан тортиб Тржичгача бўлган бутун денгиз қирғоғини шу доирага қўшишга қарши кескин эътироз билдиради. Бу қирғоқ Триест блан бирга ва Триестнинг жанубидаги денгиз бўйидаги тор доира блан бирга словен халқининг денгизга бирдан бир чиқиш йўлидир. Денгиз бўйидаги шу доиранинг узунлиги 86 километр келади. Француз делегацияси таклиф этган чегара чизиғидаги доирада, 1910 йилги рўйхат маълумотларига қараганда, 12.590 словен ва атиги 905 итальян яшаган. Агар француз делегацияси тақдим этган чегара чизиғи тасдиқланадиган бўлса, у ҳолда денгиз бўйидаги словен халқи денгиздан ажралиб қолади.

Киселёв сўзига хулоса ясаб айтадики, француз делегацияси тақдим этган чегара чизиғи Югославиянинг миллий территориясидан талайгина қисмини ундан ажратиб қўяди. 1910 йилги рўйхат маълумотларига қараганда, бу ерларда 56.193 югослав ва атиги 14.913 итальян яшар эди. Француз делегацияси тақдим этган чегара чизиғи қабул қилинса, бу тарихий адолатсизлик бўлур эди. Киселёв конференция Белоруссия делегацияси таклиф этган чегара чизиғини қабул қилсин, деб талаб этди.

ПОЛЬША МОЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Молия Министри Б. Домбровский жаноблари бошчилигида Польша Ҳукумат делегацияси молия масалалари юзасидан музокаралар олиб бориш учун 12 сентябрьда Москвага келди.

Аэродромда делегацияни СССР Молия Министрининг ўринбосари А. А. Посконов ва СССР Давлат банки правлениеси раисининг ўринбосари М. И. Михин кутиб олдилар. Делегацияни Польша республикасининг СССРдаги Элчиси Гаеве жаноблари ва Польша элчихонасининг аъзолари ҳам кутиб олдилар.

ЭАМ Марказий Комитетининг тўрт давлат халқлари ва ҳукуматларига мурожаати

АФИНА, 11 сентябрь (ТАСС). Греция Миллий Озодлик фронти (ЭАМ) Марказий Комитетининг Франция, Совет Иттифоқи, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ва ҳукуматларига қилган мурожаатида қуйидагилар айтиладир:

«1946 йил 1 сентябрьда, иттифоқчингиз бўлмиш грек халқини бўйсундиришнинг сўнгги даври тугалланди.

Британиянинг сиёсати бу халққа ўз ҳукуматини эркин сайлаш ва конституция шаклини танлаш имконини бермади.

Атлантик хартия ва Бирлашган миллатлар партиясининг асосий принциплари Грецияда қўпол равишда поймол қилинди.

Монархистларнинг узоқ вақт қонли террорни амалга ошириши натижасида қалбаки овоз бериш йўли блан ва ҳаддан ташқари алдамчилик йўли блан, Греция халқи кўпчилигининг хоҳишига хилоф равишда қирол Георг Грецияга қайтариладиган бўлди.

Аммо, Грециядаги озчиликни ташкил этган сиёсатдонларга ва Британия сиёсатига мақбул бўлган усул идоранинг грек халқига мажбуран қабул қилдирилиши Грециядаги оғир аҳволни муқаррар яна мушкуллаштиради.

Мамлакатдаги сиёсий аҳволнинг тузалиши учун ҳам, демократик халқлар блан самимий ҳамкорлик ва ўзаро ишонч бўлиши учун ҳам имконият бўлмайди. Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади. Мамлакатдаги аҳвол фашистларга тарафдор бўлган кишиларнинг шафқатсиз диктатурасини муқаррар барпо қилди.

Бунинг устига, бундай аҳвол халқаро низоларга жанжалларга сабаб бўлади, бу жанжаллар Греция учун ҳалокатли оқибатлар вужудга келтиради ва буюк иттифоқчилар ўртасидаги ҳамкорликни бузади. Шу сабабларга биноан, ЭАМ нинг сиёсий коалицияси грек халқи олдидаги жавобгарлигини яхши билгани ҳолда 1 сентябрьда алдамчилик блан ўтказилган овоз бериш натижаларини тан олмайди.

Барча халқларнинг манфаатлари йўлида биргаликда берган қурбонларимиз ҳурмати учун, грек халқига унинг ўз идора усули ва ҳукумат шаклини танлаш эркинлигини беришда сизлардан кўмак сўраймиз. Агар ана шу олий ва асосий принципга ҳамма самимий ва тўла риоя қилмайдиган бўлса, Греция масаласини ҳал этиш мумкин бўлмайди.

Бунинг учун энг зарур шарт—Британия қўшинларини Грециядан олиб чиқиб кетиш ва Грециянинг мустақиллиги суверенитетини тиклашдан иборат. 1 сентябрьда ўтказилган сохта овоз бериш натижалари бутун дунёда танилмаса, Қрим конференциясида тузилган битимдаги тартибот қоидалари самимий амалга оширилса, бу чора ҳам Греция масаласини ҳаммага мақбул шаклда муътадил, демократик асосда ҳал этишга имкон беради.

Греция халқи шу вақтгача қаттиқ хафа қилинганига қарамай, бу соҳада ёрдамингиздан умид узмайди.

ЭАМ Марказий Комитетининг секретари **Д. ПАРЦАЛИДИС**».

ГОМИНДАН УЧУВЧИЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНГАН РАЙОНЛАРНИ БОМБАРДИМОН ҚИЛДИЛАР

НАНКИН, 15 сентябрь (ТАСС). Синьхуа агентлиги «Б—24» деган америка аэропланларида учган гоминдан учувчиларининг озод қилинган районларни бомбардимон қилганлиги ҳақидаги хабарни шарҳлаб, қуйидагиларни билдиради: «Б—24» аэропланлари Яньаньни бомбардимон қилганларидан кейин, Вашингтонда мазкур аэропланлардан Хитойдаги гражданлар урушида фойдаланилаётганлигини инкор қилдилар, ҳолбуки, Американинг машҳур мухбири Анна Луиза Стронг ва бошқа америкалик обзорчилар бу шаҳарнинг қандай бомбардимон қилинганлигини кузатиб турган эдилар. Шундан кейин гоминдан аэропланлари Цзянсу вилоятининг шимолий қисмида Сун Ятсеннинг рафиқаси томонидан ташкил этилган «Халқаро тинчлик» госпиталини ўққа тутдилар ва бомбардимон қилдилар.

Агентликнинг билдиришига қараганда, гоминдан аэропланларидан ташланган бомбаларнинг портлаши натижасида Датун яқинидаги католиклар ибодатхонаси ҳам вайрон бўлган. Озод қилинган районларга ЮНРРА материалларини ташитган поезддаги йўловчилар ва темирйўл ишчилари ҳам бомбардимон қилинган. 10 январьдан тортиб август ойигача бомбардимонлар натижасида Хитойнинг тинч аҳолисидан 1400 киши ўлган ёки ярадор бўлган.

ТРЮГВЕ ЛИ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 13 сентябрь (ТАСС). Рейтер агентлигининг Нью-Йоркдаги мухбири билдиради: Бирлашган миллатлар ташкилотининг бош секретари Трюгве Ли кеча қуйидагиларни айтди: Бирлашган миллатлар ташкилотидаги 51 аъзодан кўпчилиги Бош Ассамблея сессиясини 23 октябрьгача кечиктириш тўғрисидаги таклифни қувватлади.

ХИТОЙДА АҲВОЛ

ШАНХАЙ, 12 сентябрь (ТАСС). «Вэньгуйбао» газетасининг хабарига қараганда, Нанкинда аҳолини гражданлар урушида қатнашиш учун сафарбар қилишга тайёргарлик кучаймоқда. 9 сентябрьда полиция блан ёшлар корпуси штаби вакилларининг бирлашган кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда аҳолига ҳарбий таълим беришни кучайтириш мақсадида махсус орган тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

БУЛҒОРИЯДА БУЮК ХАЛҚ МАЖЛИСИ САЙЛОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

СОФИЯ, 12 сентябрь (ТАСС). Булғорияда Буюк Халқ мажлиси сайловларига тайёргарлик бошланди. Ватан фронти партиялари депутатликка номзодлар кўрсата бошладилар. Яқин кунларда номзодларнинг рўйхатлари эълон қилинади.

ИНДОНЕЗИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ГААГА, 12 сентябрь (ТАСС). Индонезиядан билдиришларига қараганда, инглиз-голландия қўшинлари блан индонезлар ўртасидаги тўқнашишлар давом этмоқда. АНП агентлиги Медандан билдиради: шаҳар атрофида узлуксиз тўқнашишлар бўлмоқда. Суматра оролининг бошқа жойларида ҳам уруш ҳаракатлари анча кучайди.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ ЁРДАМИ БЛАН

«ҚОЛОҚ МТС ВА МАСЪУЛИЯТСИЗ ДИРЕКТОР»

«Қизил Ўзбекистон»нинг 19 июль сонида юқоридаги сарлавҳа блан мақола босилиб, унда Фарғона область Тошлоқ МТС дирекцияси тракторлар ремонти ва тракторчилар иши устидан яхши назорат қилмаганидан культивация жуда кечикаётгани қаттиқ танқид қилинган эди.

ЎзК(б)П Тошлоқ район комитети мақолани райком бюросида муҳокама қилиб, вазифасига масъулиятсизлик блан қараган МТС директори Эгаровни ишдан олди ва МТСда ишни яхшилаш учун амалий тадбирлар кўрилди.

Масъул муҳаррир **С. РАЖАБОВ.**

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 15 сентябрьда Отелло. СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов ва ЎзССР халқ артисти Сора Эшонтўраева қатнашади.

ЎЗОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 15 сентябрьда кундуз Гуландом, кечқурун Лайли ва Мажнун, 17 сентябрьда Гуландом.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА (Пушкин номли боғ, ёзги театр) — 15 сентябрьда Тоҳир ва Зуҳра.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ РЕСПУБЛИКА МУЗИКА ТЕАТРИДА (Бешёғочдаги Тошсовет театри биносида) — 15 сентябрьда Тоҳир ва Зуҳра.

СТАЛИН НОМЛИ БОҒДА (Комсомол кўли) — 15 сентябрьда французча ва ўзбекча курашлар давом этади. Курашлар кеч соат 9 да бошланади.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — Қасам, 16 сентябрьдан Жўрғай қолқони; «НАВОИЙ» — Еттидадил; «9-ИЧИ МАЙ» — Суворов, 16 сентябрьдан Руслан ва Людмила; «ОКТЯБРЬ» — Гумаштанинг синглиси, 16 сентябрьдан Зигмунд Колосовский; «ВАТАН» — Руслан ва Людмила; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР (Тахтапул кўчасида, 6-ичи трамвайнинг охирги остановкаси) — Руслан ва Людмила; «ХЕВА» — Дубровский; «ИСКРА» — янги бадиий фильм Кўк тоғ, 16 сентябрьдан Руслан ва Людмила; «УДАРНИК» — Кўк тоғ, 16 сентябрьдан Гумаштанинг синглиси; «ТЕЛЬМАН» — Баҳор вальси, 16 сентябрьдан Хотин-халач; «ПОБЕДА» — Руслан ва Людмила, 16 сентябрьдан Сильва; «ВЕСНА» — Балерина.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда Осмон секинюрари; «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Денгиз батальони; «ПОБЕДА» — кечқурун Сирли орол, 16 сентябрьдан Олтин сўқмоқ.

Каттақўрғон сув омбори қурилишига қуйидаги

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИНЖЕНЕРЛАР:

Тракторчилар — Дурадгорлар
Шоферлар — Гидротехниклар
Танкчилар — Водопроводчилар
Десятниклар — Электриклар
Прораблар — Табельчилар
Сувоқчилар — Нормаловчилар
Ғишт терувчилар — Диспетчерлар
Слесарьлар — Ҳисоб ходимлари
Бош бухгалтер ўринбосарлари
Автогеносваршиклар
Бош бухгалтерлар
Старший бухгалтерлар
Меҳнат экономистлари
Машина учётчиклари

КЕРАК

Қабул қилинганлар ётоқ ва уй-жой, кунига икки ва уч марта овқат блан таъминланадилар. Олий ва ўрта малакали ходимларга литерли таъминот берилади. Меҳнат Қонунлари Кодексининг 82-ичи моддасига мувофиқ йўл кираси тўланади. Иш ҳақи ставка, ишбай юзасидан бўлади ва ўзаро келишилади.

Каттақўрғон шаҳрида Сув омбори қурилишининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ҚАР ВА СОҚОВ БОЛАЛАР РЕСПУБЛИКА МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабга 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган қар ва соқов болалар қабул қилинади.

Болаларга ўрта мактаб ҳажмида маълумот ҳамда 5-6 разрядли: хотин-қиз ва эркак кўйлаклари тикувчи усталар, тикувчилар ва ремонтчи слесарь ихтисослари берилади.

Ўқувчилар овқат ва кийим блан таъминланади.

Кирувчилар метрика қоғози ёки унинг копияси, 2 фотокарточка, қар ва соқовлиги ҳақида врач справкаси, умумий соғлиғи ҳақида справка ва мактабга қабул қилиш тўғрисида ота-оналарининг аризасини топширадилар.

Мактаб ҳузурида мактабгача тарбия бўлими ҳам бор. Бу бўлимга 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган қар ва соқов болалар қабул қилинади.

Қуйидаги жойларга мурожаат қилинсин: 1) Тошкент шаҳар, Қирғиз кўчаси, 21-ичи уй; 2) Луначарский посёлкаси, Киров кўчаси, 108-ичи уй.

Тошкент шаҳар ижрокомининг «Гостбантрест» қарамоғидаги КИР ЮВИШ ИШХОНАСИ кийим ювиш ва крахмаллаш учун ташкилот ва кишилардан БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Адрес: Пушкин проезди, 4-ичи уй. Пушкин кўчасидаги ҳаммом ёнида. Телефон—32919.

ДАВЛАТ БАНКИ

қўлларида Давлат банкига қарашли дала муассасаларининг

АМОНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИКИ

амонат дафтарчаларини алиштириб, амонатларини доимий турар-жойларидаги давлат банки бўлимига ёки амонат кассага кўчирсинлар.

Давлат банки муассасалари амонат дафтарчаларини 1946 йил 1 октябрьгача алиштирадилар. Бу муддатдан кейин, алиштирилмаган амонат дафтарчалари бўйича амонатлар, фақат Давлат банкининг дала муассасаларидан талаб қилиб олгандан кейингина берилажак.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 14 бўлим халқ суди билдирадики, А. Умарқуловнинг Л. Пўлатовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Киров район, 20 бўлим халқ суди билдирадики, А. Усмоновнинг М. Абдуллаевадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 31 бўлим халқ суди билдирадики, С. З. Баттоловнинг Х. О. Баттоловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг. № 76. Р.04546.